O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 24 июнь, № 125 (4788) Чоршанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 июнь куни Оқсаройда Франциянинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Пьер Лелушни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашув Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

Учрашувда томонлар халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини кўриб чиқди. Ислом Каримов Афғонистон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслигини таъкидлади. Уруш оқибатида барбод бўлган Афғонистон иқтисодиётини, коммуникациялар ва ижтимоий инфратузилмасини тиклаш, бу жараёнга Афғонистон халқини жалб этиш, ички муросага келиш, ҳокимият вертикалини мустаҳкамлаш каби долзарб муаммоларни ҳал этмай, Афғонистондаги вазиятни ижобий томонга ўзгартириш мумкин эмас.

П. Лелуш самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. У Франция Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги муҳим шериги деб ҳисоблашини ҳамда томонларни қизиқтирган барча йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан Франция ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболига оид масалалар, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси (1944 йил декабрь) ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) Монреаль Ассамблеясининг 2004 йилдаги қарори (резолюцияси)га мувофиқ ушбу ташкилотга аъзо давлатлар 2010 йилдан кечиктирмай эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилишини таъминлаши шарт.

Биометрик маълумотларга эга паспортлар халқаро фуқаро аэронавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбакилаштиришга қарши ҳимоя даражасини ошириш, Давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиаташишлар сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида жорий этилмоқда.

Ҳозиргача дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган биометрик параметрли паспортлар жорий этилган.

ИКАО аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикасида авиаташишлар хавфсизлигини таъминлаш, авиация техникасининг ишончлилигини ва халқаро бозордаги рақобатбардошлилигини ошириш, авиатранспорт хизматларидан фойдаланувчи йўловчилар учун максимал қулайликлар яратиш, аэропортлар инфратузилмасини ривожлантириш, ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш ва бошқа тадбирлар борасида тизимли ва изчил иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва замонавий халқаро андозалар ҳамда талабларни ҳисобга олган ҳолда, миллий паспорт тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг 2010 йил 1 январдан Ўзбекистонда эгаларининг биометрик маълумотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини (бундан буён биометрик паспорт деб юритилади) жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Аҳолининг амалдаги Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини биометрик паспортга босқичма-босқич алмаштириш тартиби тасдиқлансин:

биринчи босқич (2010 йил) — республика вазирликлари, идоралари ва муассасалари хизматчиларига, хорижга чиқаётган ёки чет элдаги жисмоний шахсларга, шунингдек, муайян ёшга тўлган ёки қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра паспорт олаётган фуқароларга;

иккинчи босқич (2011-2015 йиллар) — қонунчиликда белгиланган тартиб бўйича Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига.

3. Биометрик паспортларни марказлашган ҳолда тайёрлаш ва уларнинг ҳисобини самарали юритиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мазкур паспортлар билан ўз вақтида таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат персоналлаштириш маркази (ДПМ) ташкил этилсин, марказ биометрик паспортлар бланкаларини тайёрловчи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг "Давлат белгиси" давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси (ДИБ) ҳудудида жойлаштирилсин.

(Давоми 2-бетда).

«МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР»

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг соғлиқни сақлаш соҳасини ҳуқуқий тартибга солишнинг долзарб вазифалари тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Эътироф этилганидек, мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор масалаларидан бири ҳисобланади. Айниқса, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони бу борада мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда. Соҳада бошланган ислоҳотлар кўламини кенгайтириш ва улар самарадорлигини янада ошириш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган бошқа бир қатор ҳужжатлар бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, айтиш жоизки, бугунги кунда ўз натижаларини бераётир. Хусусан, тизимда мамлакатимиз аҳолисини юқумли, вирусли ва ўта хавфли инфекциялардан асраш, соғлом аҳоли ўртасида касалликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чоралар самарадорлигини ошириш ҳамда беморларга тегишли ҳажмдаги малакали тиббий хизмат кўрсатиш каби қатор йўналишларда изчил ишлар амалга оширилган.

Йиғилишда соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда, айрим камчиликлар хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, қонунларда белгилаб қўйилганлигига қарамасдан, мазкур соҳанинг хусусий секторида тиббий ҳужжатларнинг юритилиши, тегишли статистик маълумотларнинг ҳудудий статистика бўлимларига тавсия қилиниши борасида ҳали-ҳануз муаммолар мавжудлиги қайд этилди. Қолаверса, даволаш ишларига масъуллик билан қаралмаётир, беморларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам айрим камчиликларга йўл қўйилаётир.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар, билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Шу куни парламент қуйи палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги ҳамда "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Адлия вазирлиги тизимида ижро этилишига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Қайд этилганидек, фуқароларнинг Адлия вазирлиги томонидан барча юридик ва жисмоний шахслар реестрларида жойлаштирилган маълумотлардан ёзма мурожаатлар асосида ҳамда вазирликнинг расмий сайтидан ахборот олишлари ва ундан фойдаланишлари учун

(Давоми 2-бетда).

ИСТИҚЛОЛИ – АБАДИЙ, ИСТИҚБОЛИ – МУНАВВАР

Инсон фарзандида кечаётган ўз ҳаётини мозий билан таққослаш имконияти мавжуд. Шунингдек, унга келажак томон назар ташлаш қобилияти ҳам берилган. Агар биз мустақилликка ўтган ҳаётимизни таҳлил қиладиган бўлсак, чиндан ҳам, кўпгина ажабтовур воқеа ва ҳодисаларга дуч келамиз.

Бундан ўттиз йиллар муқаддам бир делегация таркибида хорижга боришимга тўғри келган. Сафар олдидан бизни собиқ иттифоқ Ташқи ишлар вазирлигида қабул қилишиб, ўзимизни қандай тутишимиз ҳақида батафсил йўл-йўриқ беришар экан: "Уларда баланд иморатлар, чиройли магазин-дўконлар кўп. Тағин ўшаларга маҳлиё бўлиб юрманглар. Бу жуда катта сиёсий хато бўлади", дейишганди. Сал ўтмай америкалик астронавт Ойга қадам қўйди. Бу оламшумул ҳодисага ҳам, табиийки, шўролар тарафидан айтарли шарҳ берилмади.

Мен гоҳида ўйлаб қоламан: наҳотки, инсоният ўзининг муштарак маънавияти, маданиятини ўз қўли билан парчалаб ташласа, наҳотки, ўз ютуқларини бир-биридан пинҳон тутса, кўрсаю кўрмасликка олса?! Ўша даврларда собиқ иттифоқ ҳудудида жойлашган қанчадан-қанча ёдгорлик, маданий мерос обидалари, қадимий илм-фанимиз намуналари ҳатто ўзимиздан сир тутилар эди. Имом Бухорий ҳазратларидан тортиб, соҳибқирон Темур бобомизнинг номларигача қатағон этилганди. Демак, миллатимиз каттакон дунёдан ҳам, айни чоғда ўз илдизларидан ҳам узила бошлаган эди.

Инсонда ўз ҳаётини мозий билан таққослаш имконияти бор, дейишимнинг исботи мана шудир. Демак, мустақиллигимиз учун Яратганга қанчалик шукрона айтсак, шунчалик оз. Истиқлолнинг самаралари, авваламбор, давлатчилигимизда намоён бўлди. Шу билан бирга, истиқлолнинг асосий нишоналари одамларимиз онгида, демак, маънавиятимизда бўй кўрсата бошладики, бу ҳол ҳар биримизга бетакрор руҳ бағишлади. Адибларимиз тақиқланган мавзуларни қаламга ола бошладилар. Диний эътиқодимизга йўл очилди.

Моддий бойликнинг бори яхши, лекин унинг эгаси маънавий жиҳатдан ҳам бой бўлса, албатта, нур устига нурдир. Худди мана шу олижаноб сиёсат янги Ўзбекистонимиз тараққиётида устувор йўналишга айланди. Бутун дунё томонидан мустақиллик меъмори, деб эътироф этилган муҳтарам Юртбошимиз раҳбарлигида мамлакатимизда йирик иқтисодий ислоҳотлар ўтказилди ва ўтказилаётир, қадимий халқимизнинг дунё тамаддунидаги қонуний мақоми тикланиб бормоқда. Кўпгина мамлакатларда маънавият ва ахлоқ тушунчалари қадрланмай турган бир даврда бизнинг юртимизда инсон руҳиятига, унинг закосига эҳтиром ва мурувват кўрсатилиши ғоятда аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).

ШАҲРИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Шукрки, азиз неъмат — Истиқлолга эришганлигимиз бизга чинакам маънода бахту саодат келтирди. Бугун ҳар биримиз Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган беқиёс ислоҳотлардан руҳланиб, фаровон ва осойишта ҳаёт қуришга, Ватанни обод қилишга интилиб яшамоқдамиз.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

Кўнглимизда шундай эзгу ниятлар бор экан, она-юртимиз бундан-да равнақ топиб, гуллаб-яшнаб бораверади. Негаки, яхши ният ҳамиша яхшилик келтирган.

Ўзим ҳайдовчилик касбим ортидан ҳалол меҳнат қилиб, обрў-эътибор тондим. Ўттиз йилдан зиёдроқ вақт ўтибдики, шу соҳа вакилиман. Айни пайтда пойтахтимиздаги 7-автокорхонага қарашли 34-йўналишли автобусни бошқараман. Биз, ҳайдовчиларнинг кўп вақтимиз йўлда, одамлар орасида ўтади. Шу боис кўпнинг фикри, мушоҳадаси, бугунги замон, бугунги ҳаёт ҳақидаги тушунча ва қарашлари билан ўртоқлашишга тўғри келади. Шуни аниқ айтишим мумкинки, ҳозирги замон кишиларининг дунёқараши, мақсад-ўйлари бундан ўн беш-йигирма йил аввалги одамларникидан буткул фарқ қилади. Бугун ҳамма ўзи учун яшаётганини, меҳнат қилса, унинг роҳати ҳам ўзиники эканлигини, келгуси авлоднинг ёруғ келажагини таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилиш лозимлигини ва энг муҳими, буни биз учун кимдир четдан келиб амалга ошириб бермаслигини яхши англайди. Онгу шуурдаги бундай ўзгаришлар, шак-шубҳасиз, мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли ишлар, бунёдкорлик, яратувчанлик, инсон ва унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган оқилона саъй-ҳаракатлар туфайлидир. Негаки, бугун ҳар қадамда, ҳар нафасда яхшилик, эзгулик, ҳавас қилса арзигулик юмушларнинг шоҳиди бўлиш мумкин. Ўзимдан қиёс: ҳар иш куни пойтахтимиз кўчаларини кезарканман, ўзгаришларни кўриб, обод шаҳарнинг бетакрор жамолига боқиб, ич-ичимдан фахрланаман. Тошкент — бизнинг кўз ўнгимизда янги қиёфа касб этди, кенгайди, юксалди. Агар бундан йигирма йил аввалги Тошкент билан бугунги гўзал шаҳарни қиёс этсак, Истиқлол шарофати билан асрларга татигулик натижаларга эришганимиз ўз-ўзидан аён бўлади.



(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

4. Белгилаб қўйилсинки:

паспорт олиш учун мурожаат этган шахслар бўйича белгиланган маълумотлар ва биометрик параметрларни тўплаш, ушбу маълумотларни ДПМга юбориш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортларнинг ўз вақтида берилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг бўлинмаларига ва Ўзбекистон Республикаси ТИВнинг хориждаги консуллик муассасаларига юкланади;

фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтиш пайтида паспортларда кўрсатилган биометрик параметрларга биноан шахсни идентификация қилиш Ўзбекистон Республикаси МХХ Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг чегара назорати бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

5. Вазирлар Маҳкамаси ўрнатилган тартибда қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

бир ой ичида — Давлат персоналлаштириш маркази тўғрисидаги Низомни;

икки ой ичида — ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомнинг янги таҳририни.

6. Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати мамлакат фуқароларини биометрик паспортлар билан таъминлаш тизими самарали амал қилишини таъминлаш мақсадида ИИВ, ТИВ, МХХнинг тегишли бўлинмаларини 1 ва 2-иловаларга мувофиқ, замонавий жиҳозлар билан таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бир ой муддатда ДПМнинг "Давлат белгиси" ДИБ ҳудудида жойлаштирилиши ва жиҳозланишини, ажратилган бинонинг капитал ва жорий таъмирланишини, зарур ташкилий техника, офис мебели, алоқа воситалари ва марказнинг самарали фаолияти учун зарур бўлган бошқа моддий-техник воситалар билан таъминласин.

8. Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги республиканинг бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралари билан биргаликда:

бир ой муддатда хорижий тажрибани чуқур таҳлил қилган ҳолда ва техник-иқтисодий асосларга мувофиқ ДПМнинг ишлаб чиқариш моддий-техник базасини шакллантиришга доир дастур ишлаб чиқсин ва унинг 2009-2010 йилларда амалга оширилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини биометрик паспортлар билан таъминлаш бўйича ташкил этилаётган тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш ва унга хизмат кўрсатадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашни изчиллик асосида ташкил этсин.

9. Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари бир ой муддатда Ўзбекистонда биометрик паспортларни жорий этиш бўйича лойиҳани молиялаштириш масаласини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўрнатилган тартибда хорижий давлатлар ҳукуматларини, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотини ва Халқаро стандартлаштириш ташкилотини Ўзбекистонда миллий паспорт тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида хабардор қилсин.

11. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда икки ой муддатда ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича ўрнатилган тартибда таклифлар киритсин.

12. Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 23 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби хорижий мамлакатлар ишбилармон ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари ўртасида кенг муҳокама этилмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН – ТАШҚИ ТАЪСИРЛАРДАН ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЛАНГАН, БИЗНЕС УЧУН ҚУЛАЙ МАМЛАКАТ»

Асар қисқа вақт ичида дунёнинг қатор тилларига таржима қилиниб, нашр этилди ва чет мамлакатларнинг етакчи иқтисодчи ҳамда олимлари томонидан ўрганилмоқда. Яқинда Ҳиндистоннинг бир гуруҳ нуфузли иқтисодчи, эксперт ва таҳлилчилари ташаббуси билан Президент Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби ҳинд тилида нашрдан чиқди.

Ўзбекистон Президентининг асари аҳолиси бир миллиард кишидан ошиб, айни пайтда дунёнинг кўплаб бошқа давлатлари каби глобал молиявий-иқтисодий инқироз билан тўқнаш келиб турган Ҳиндистон каби мамлакатда чоп этилгани билан аҳамиятлидир.

Китобнинг ҳинд тилидаги нашри ушбу мамлакат илмий-таҳлил ва ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Мазкур воқеани шарҳлар экан, улар Ўзбекистон раҳбарининг асари ҳиндистонлик мутахассислар ва иқтисодчилар учун Ўзбекистоннинг инқирозни енгиш борасидаги тажрибасини ўрганиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга эканига урғу бермоқда.

«Ҳиндистон — Ўзбекистон» жамияти бошқаруви аъзоси, Деҳли университети профессори, доктор Холид Алви китобда ҳам Ҳиндистон, ҳам Ўзбекистон учун долзарб бўлиб турган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабаб ва оқибатлари ёритилганини қайд этади.

«Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган глобал иқтисодий таназзулни бартараф этишни назарда тутувчи мамлакат миқёсидаги таклиф ва ташаббуслар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини енгиллаштириш чораларини излаётган ҳиндистонлик иқтисодчилар учун ҳам фойдалидир, — дейди Х. Алви. — Ўзбекистон каби Ҳиндистон ҳам жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига тўқнаш келмоқда. Ҳиндистонда иқтисодий ўсиш суръатининг пасайиши, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши, банк-молия тизими, аҳоли бандлигини таъминлаш соҳаларида айрим муаммолар кузатилмоқда. Мамлакат ҳукумати инқирознинг таъсирини камайтириш, иқтисодий ўсиш суръатини сақлаб қолиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашга йўналтирилган қатор чора-тадбирларни қабул қилмоқда. Давлат бозор жараёнларини назорат қилишига тўғри келмоқдаки, акс ҳолда улар иқтисодиётдаги нормал ривожланишни издан чиқариб юбориши мумкин.

Ўзбекистон Президентининг асарида инқирозга қарши кураш борасида устувор аҳамият касб этадиган барча соҳалар қамраб олинган. Бундан ташқари, китобда келтирилган далиллар ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш ҳамда иқтисодий жараёнларда давлатнинг аҳамиятини сақлаб қолишга қаратилган иқтисодий тараққиётнинг "ўзбек модели" самарали эканини намойиш этмоқда».

Ҳиндистоннинг Ғарбий Бенгалия штати савдо-саноат палатаси раҳбари Анупам Шоҳ мазкур китоб, авваламбор, ўзбекистонлик тадбиркорлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган ҳинд бизнесменлари учун фойдали эканини қайд этди.

«Штатимизнинг бир қатор фирма ва компаниялари ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик қилади, — дейди А. Шоҳ. — Уларнинг айримлари ўзбекистонлик бизнесменлар билан ҳамкорликда турли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва аҳолига хизматлар кўрсатувчи қўшма корхоналарни ташкил этишган. Айни пайтда уларнинг бизнеси ривожланиб, улар Ўзбекистонда фаолият юритаётганидан ниҳоятда мамнун. Президент Ислом Каримовнинг асари китобхонни аниқ мисоллар

Дунё нигоҳи

асосида мамлакат раҳбариятининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши курашиш борасидаги чора-тадбирлари билан таништиради, уларни холис баҳолашга имкон беради.

Асарни ўқиган ҳар бир одам Ўзбекистон раҳбарияти томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши туриш борасида самарали чора-тадбирлар кўрилаётганига амин бўлади. Бу эса, ўз навбатида, "Ўзбекистон — чет эл сармоялари ташқи таъсирлардан ишончли ҳимояланган, бизнес юритиш учун ниҳоятда қулай мамлакат", деган фикрни яна бир бор тасдиқлайди».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобининг тақдимоти ҳамда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона доирасидаги сармоявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик масаласига бағишланган семинар шу кунларда Японияда ўтди.

Тадбир иштирокчилари Президент асарининг мазмун-моҳияти билан таништирилди. Таъкидландики, мамлакат ҳукумати томонидан ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар инқирознинг мамлакат иқтисодиётига таъсирини юмшатиб, Ўзбекистонда қабул қилинган ислоҳотлар модели инқироз шароитида ўз самарасини намойиш этди.

Президент асари ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашар экан, **Япония парламенти қуйи палатаси депутати, Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш қўмитаси бош котиби Коки Чума** Ўзбекистон, инқирозга қарамай, иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатини намойиш этаётгани, бу эса мамлакатда узоқни кўзлаб амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг маҳсули эканини таъкидлади. Ўзбекистон билан Япония ҳамкорлигини кенгайтириш истиқболларига эътибор қаратиб, К. Чума икки давлат ўртасида стратегик муносабатлар ўрнатилганини қайд этди.

Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлигининг Канкай минтақасидаги бюроси бош директори Томофуми Хиракунинг айтишича, Президент Ислом Каримовнинг китоби прогрессив руҳда ёзилган бўлиб, халқаро аҳамиятга эга.

«Ўзбекистон Президенти томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий моделнинг самарадорлиги инқироз даврида мамлакат иқтисодий ривожланишининг юқори кўрсаткичлари билан исботланган, — дейди Т. Хираку. — Бу эса Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида ўз етакчилигини мустаҳкамлаётганидан далолатдир. Ўзбекистоннинг иқтисодий муваффақиятлари бу ерга кириб келаётган Япония сармоялари ҳажмининг ошиши учун асосий омил бўлиб қолади».

Ўзбекистон Республикасининг Осака шаҳридаги фахрий консули Тошио Тоуранинг таъкидлашича, «Президент Ислом Каримовнинг китобида келтирилган далиллар япониялик ишбилармонларнинг Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини муваффақият билан енгиб ўтаётгани ва сармояларни жойлаштириш учун қулай мамлакат эканига бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш, мамлакат иқтисодиётига сармоя олиб кириш ниятида бўлган Япония компанияларининг сони тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистонда уларни ёрқин истиқболлар кутаётганига ишончимиз комил».

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона лойиҳаси доирасидаги ҳамкорлик тўғрисида гапириб, Т. Тоура Ўзбекистонда яратилган қулай инвестицион иқлим ҳамда ишончли шартнома-ҳуқуқ базасининг мавжудлиги Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигининг тараққиёти учун кенг имкониятлар яратиб бераётганини таъкидлади. «Навоийдаги ЭИИЗ барпо этилиши билан ишбилармонларимиз ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги соҳалари очилмоқда», деди юртимизнинг фахрий консули.

Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) МДҲ мамлакатлари департаменти директори Манабу Шимояширо Марказий Осиё давлатлари орасида етакчи бўлган Ўзбекистон Япония компаниялари билан ҳамкорлик қилиш борасида энг ёрқин истиқболга эга эканини таъкидлади.

«Ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилиш, саноатнинг барча соҳаларини мутаносиб тарзда ривожлантириш модели Ўзбекистон иқтисодиётида бир қатор янги соҳаларнинг юзага келишига сабаб бўлиб, дунёнинг етакчи компаниялари уларга қизиқиш билдирмоқда, — деди М. Шимояширо. — Навоийдаги эркин индустриал-иқтисодий зона МДҲ ва Марказий Осиё мамлакатлари бозорига киришга ҳаракат қилаётган Япония компаниялари учун янги истиқболларни очади. Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган Кунчиқар мамлакат компанияларининг тажрибаси юртингиз ишончли шерик эканининг тасдиғи бўлиб, Японияннинг Ўзбекистон бозоридаги нуфузини юксалтиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади».

«Жаҳон» АА.

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тинч ва фаровон ҳаётимизнинг ишончли кафолати бўлмиш миллий армиямизни шакллантириш, унинг жанговар куч ва имкониятларини юксалтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Фахр

Хусусан, Қуролли Кучларни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими ҳаётга татбиқ этилгани, улар сафини тўлдириш ишлари такомиллаштирилгани, муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилиб, сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат жорий қилингани армиямиз қиёфасини тубдан ўзгартирди. Шунингдек, ўтган йиллар мобайнида сержант ва офицер кадрларни профессионал асосда тайёрлаш тизими ҳам мукаммаллаштирилди, олий ҳарбий билим юртларининг моддий-техника базаси яхшиланиб, курсантларнинг замон талаблари даражасида билим олишлари учун барча имкониятлар яратилди. Ана шу илм даргоҳларини тамомлаётган юксак салоҳиятли мутахассислар бугун Қуролли Кучларимиз сафларида ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан адо этмоқдалар.

Мамлакатимиздаги барча олий ҳарбий билим юртларида навбатдаги битирувчиларга диплом топширишга бағишланган тантанали маросимлар бўлиб ўтди. Жумладан, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик, Жиззах олий ҳарбий авиация, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик ҳамда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртлари, Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультетида ташкил этилган ана шундай тадбирларда ҳокимликлар, ҳарбийлар, жамоатчилик, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари вакиллари ҳамда битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этишди.

— Бундай кунлар ҳар бир ота-она учун ҳаётидаги энг бахтли онларидан бири бўлса керак, — дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ташкил этилган тантана иштирокчиси, Қорақалпоғистон Республикасидан келган Тўлғаной Гаипова. — Ахир фарзандингизнинг камолга етиб, куч-қувватга тўлганини кўришдан ортиқроқ қувонч бормикан? Ўғлим Ҳикматжоннинг офицер бўлгани, Ватанни ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифага бел боғлагани менга ғурур бағишлайди. Устозларининг у ҳақдаги илиқ фикрларини эшитиб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Чиндан ҳам, Ҳикматжон ўқиш даврида кўп нарса ўрганди, фикри теранлашди, дунёқараши кенгайди, жисмоний жиҳатдан чиниқди. Мен шундай фарзанд ўстиришни орзу қилгандим ва бугун ана шу орзуимга эришдим.

— Ёлғиз ўғлим Шуҳратжоннинг бугунги муваффақиятидан тўлқинланиб, фахрланиб ўтирибман, — дейди Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида ўтказилган маросимда қатнашган Гулчеҳра Толипова. — Унга юксак билим ва жисмоний тайёргарлигини намойиш этгани учун имтиёзли диплом ва кўкрак нишони топширилди. Ўғлим учун масъулиятли дамлар энди бошланаяпти. Шуҳратжон, албатта, билдирилган ишончни оқлайди.

Барча олий ҳарбий билим юртларида ана шундай кўтаринки кайфият ҳукм сурди. Ёш офицерларнинг келгуси ишларига муваффақиятлар тиланди.

Ш. ОРТИҚОВ,
Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

кенг имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, вазирлик ҳузурида "Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази" ташкил этилиб, қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси шакллантирилган.

Йиғилишда вазирлик томонидан амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси тизимининг кенг тарқалишига халақит бераётган айрим омиллар ҳақида ҳам фикр юритилди. Хусусан, қишлоқ жойларда замонавий телекоммуникация хизматлари кўрсатишнинг талаб даражасида эмаслиги, мавжуд хизматлар нархининг юқорилиги, фуқароларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича кўникмаларининг пастлиги, баъзи корхоналарнинг интернет тармоғига уланмаганлиги соҳадаги ишларнинг ривожига тўсиқ бўлаётир.

Шу хусусда атрофлича сўз борган тадбирда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди. Кўриб чиқилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Тошкент телеком" филиалида телефон станцияларини модернизация қилиш, хизмат сифатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Алоқа хизмати яхшиланмоқда

Яқинда пойтахт вилоятининг Паркент туманидаги Сўқоқ, Қуйи Чирчиқ туманидаги Қорасув қишлоқ телефон станциялари замонавий "Коинот Эл-СГМ" қурилмаси асосида қайта жиҳозланиб, ишга туширилди. Шунингдек, Сўқоқда рақамли телекоммуникация билан бир қаторда Интернет ва компьютер хизматлари, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув хизматлари ҳам фойдаланишга топширилди.

К. МУЛЛАБОЕВ.

ИСТИҚЛОЛИ — АБАДИЙ, ИСТИҚБОЛИ — МУНАВВАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида айтганларидек: **"Замонимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим".** Ҳақиқатан ҳам, ҳурриятимиз шарофати билан юртимизда тарихий адолат тикланди, юзлаб қадимий қўлёзмалар нашр этилиб, буюк алломаларимизнинг қадамжолари обод қилинди, улуғ ва беназир шаҳарларимизнинг тўйлари жаҳоншумул даражада нишонланди. Мана шу кунларда пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик кўраётирмиз.

Албатта, ҳар бир халқнинг жаҳонга кўзкўз қиладиган турфа бойликлари бўлади. Жумладан, Франция, Италия, Буюк Британия сингари қадимий мамлакатлар ўзларининг осориатиқалари билан қанчалик фахр этсалар, биз ҳам, балки улардан юксакроқ миқёсда ва ҳақли равишда, ўз ўтмишимиз билан ифтихор этамиз. Айниқса, бизнинг кўҳна шаҳарларимиз жаҳоннинг кўркига айланган. Самарқанду Бухоро, Хиваю Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларимиз бунга мисол бўла олади. Тошкент эса наинки қадимий маърифат ва илм маскани, балки мамлакатимизнинг муҳташам пойтахтидир. Мустақиллик йилларидаги энг катта бунёдкорлик ишлари айнан мана шу шаҳарда бошланиб кетгани асло бежиз эмас. Тошкентнинг ўтмиши ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бу кўҳна манзилда яшаб, истиқомат этган ўнлаб алломаларнинг номларини эслаймиз. Кейинги даврларда ҳам маънавий тараққиёт, мустақиллик учун кураш мана шу шаҳарда куч олиб, рўёбга чиқди. Илм-фан, адабиёт ва санъатимизнинг неча-неча унутилмас сиймолари шу шаҳарда яшаб ўтдилар. Мустақиллик майдонимизда бир замонлар мустамлакачиликнинг ҳарбий машиналари юрарди. Ҳозир эса ушбу масканда ўзбекнинг мунис ва меҳрибон онаси, келажагимизни ўзида мужассам этган беғубор болакай қиёфаси нурланиб турибди. Буларнинг барчасида, ҳеч шубҳасиз, истиқлол нафаси бор.

Албатта, ота ва боболаримизнинг ютуқларини бошимизга тож қилсак арзийди. Лекин биз ўзимиз ҳам юксалиб бораётган бу улуғ иморатга олтин ғиштлар қўймоқдамиз. Мана шу маънода ёш авлоднинг келажаги учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Деҳконободлик кечаги чўпон бола кўҳна тоғлар орасига етиб келган поездни бошқаришни ўрганиб, компьютер билан тиллашмоқда, нефть ва газ конларида хизмат қилмоқда. Биргина "Шўртангаз" мажмуида энг мураккаб техника асбобларини ялпи маҳаллий йигит-қизлар ишлатиб турибди. Жаҳоннинг қайси бир олий ўқув даргоҳига борсангиз, у ерда ўзбек талабаларини учратасиз. Фақат тўйлар миқёсида қолиб кетган миллий курашимиз жаҳонга чиқиб, Олимпиада ўйинлари дастурига киришга талабгор бўлиб турибди. Бу гапларни спортимизнинг бошқа турлари, жумладан, шахмат ва бокс соҳасида ҳам айтиб ўтишимиз мумкин. Ҳақиқий ҳарбий саркардаларнинг ватани бўлмиш юртимизда ёш генераллар камолга етмоқдалар.

Халқимиз азалдан топганини бунёдкорликка бағишлаган, тинимсиз уй-жой қурган, ниҳол эккан, боғ яратган. Бугунги кунда агар фазодан туриб юртимиз ҳудудига назар ташласангиз, уни ҳеч шубҳасиз, улкан қурилиш майдони дердингиз. Ҳар куни, ҳар нафасда нимадир қурилмоқда. Беназир юртимиз чирой очиб, кўркамлашиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизга айнан меъмор кўзи билан қараш жойиб урф бўлди. Буларнинг барчасининг тагида битта сабаб бор. У ҳам бўлса, ҳурриятимиз берган чексиз имконият.

Қишлоқларимизда кечаги лойпахса ўрнига бугун пишиқ ғиштдан умрбоқий иморатлар қуриш аньанага айланмоқда. Чиндан ҳам, одамларимиз эртага бошқа ёққа кўчиб кетишни ўйлаб омонат яшаётган кимсалар эмас. Улар мана шу заминда томир отган, етти пушти ҳам шу тупроқда дориламон ва бахтли умр кечиришга ҳақлидир. Айниқса, ёшларимиз бу улуғ иморатнинг янада юксалишига ҳисса қўша оладиган салоҳиятга етишиб бормоқдалар. Биз уларни кўзимиз қораси деганмиз, киприкларимиз деганмиз. Бу ғамхўрлик айнан ёш ижодкорларга ҳам бевосита тааллуқлидир. Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Бундан буён ҳам миллатимиз шаъни-шарафини ҳимоя қилиш, унинг шавкатига шавкат қўшиш биринчи даражали вазифадирким, бу масъулиятни энди ёшлар ҳам тўла-тўкис ҳис қилмоқдалар.

Агар бугунги кунларимизга келажакдан туриб назар ташлайдиган бўлсак, Президентимизнинг гўзал таъбирлари ёдимизга тушади: «Мен ишонаман, — дегандилар давлатимиз раҳбари, — асрлар, замонлар ўтади, юртимизда янги авлодлар дунёга келади, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг азалий орзу-умидларини рўёбга чиқарган, тараққиётимизнинг чексиз имконият истиқболларини очиб берган бу кун юртимиз тарихида асло ўчмайдиган буюк сана бўлиб қолади".

Халқимиз бисотида доно ва ибратли ақидаю ўгитлар кўп: ҳар бир юртнинг ўз эгаси бўлсин, иморат меъморсиз тикланмас. Дарҳақиқат, у ёки бу хонадоннинг пасту баландини уни тузган соҳибидан кўра яхшироқ биладиган киши бўлмайди. Шу маънода, мамлакат ҳам улкан бир хонадонки, унинг иқболини бундан ўн саккиз йил муқаддам ҳурриятимиз байроғини дадил кўтарган муҳтарам Юртбошимиз белгилаб берган эдилар.

Гоҳо ёш болага ўхшайди Ватан,
Содда, норасида, пок ва беғубор.
То озор етмасин унга дафъатан,
Бегона кўзлардан асрамоқ даркор.

Ватан улуғ пирга ўхшайди гоҳи,
Қўллагай, аритгай кўздан ёшларни.
Юрса товонига ботмасин тоқи,
Йўлдан олиб қўйинг ҳар хил тошларни.

Ким унинг хизматин этолса адо,
Икки дунёда ҳам бўлмагайдир кам.
Ўзини тамасиз қилдими фидо,
Ўша зот Ватанга фарзанд чинакам.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири.

ШАҲРИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Замон ўзгарди, ҳаётимиз яхшиланди, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида янги-янги, замонавий автобуслар қатнови йўлга қўйилди. Аввалига "ДЭУ", кейин "Мерседес-Бенц", айни дамда эса ушбу транспортнинг энг сўнгги русумдагиси — «Mercedes-Benz Konekto Low Floor»да ҳамшаҳарларнинг узоғини яқин қилаяпмиз. Тошкент шаҳри аҳолисига, пойтахт меҳмонларига хизмат кўрсатиш мен учун роҳат бахш этади. Ахир шундай гўзал шаҳар жамоли жозибасидан қувонмай бўладими?

Автобусга кунига минглаб йўловчи чиқади. Уларнинг бари яратилаётган шарт-шароитлардан мамнунликларини бот-бот эътироф этишади. Автобусларнинг шинам салонлари, юмшоқ ўриндиқлари, қолаверса, йўлларнинг равонлиги, кўчаларнинг кенглигини айтмайсизми? Илгари автобусда "Чилонзор" метро бекати ёнидан ўтиш жудаям мушкул эди. Тирбанд чорраҳа, танга ташласа ерга тушмайдиган тартибсиз бекатга қараб мўлжал олиб юришнинг турган-битгани машаққат бўлганлигини бугун эслаб қўямиз, холос. Ҳозир бу ерга келганлар ҳайратланиши, табиий. Сабаби, Чилонзор туманидаги Кичик ҳалқа йўлининг Бунёдкор кўчаси билан кесишадиган чорраҳасида, яъни ўша тирбанд ҳудудда ишга туширилган улкан кўприк йўл тиғизлигига тўла барҳам берди. Халқимиз "Кўприк қурган кам бўлмас, равон йўлда ғам бўлмас", деб бежиз айтмайди-да. Бу нақлнинг нақадар ҳаётийлигига бугун ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Техник жиҳатдан халқаро талабларга мос бундай йўл ва йўл ўтказгичлар, маҳобатли транспорт боғламаларининг кўпайиб бораётгани ҳайдовчию йўловчилар учун катта қулайликлар туғдирмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2006 йил 11 январда имзолаган «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони тизимда хизмат кўрсатиш сифатини юксак савияда ташкил этишни таъминлади. Қувонарлиси, транспорт тизимини такомиллаштириш юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортининг жаҳон андозаларига мос равишда фаолият юритишига замин яратмоқда.

Шуларни ўйларканман, бугун ҳеч иккиланишсиз ҳаётимдан мамнунман, дейишга ҳақлиман. Оладиган маошим 500 минг сўм, меҳнатга яраша ҳақ олаётганимиз боис дурустгина турмуш кечираяпмиз, шукр. Икки ўғил, икки қизим бор. Фарзандларимни ўқитдим, олий маълумотли бўлишди. Ўғилларни уйлантирдик. Қизлар ҳам уйли-жойли бўлишди. Бугун саккиз нафар набиранинг бобосиман. Ўғилларимдан бири ота касбни танлади. У ҳам ҳозир ўзимизда ишлаб чиқарилган замонавий, қулай "Исузу" микроавтобусини ҳайдаяпти. Кенжам эса ҳуқуқшунос. Бағрим бутунлигидан, ҳалол меҳнат қилиб, болаларни улғайтириш ва уларнинг камолини кўриш бахти насиб этганидан бениҳоя хурсандман. Шу шаҳарда яшаётганимдан, кундалик фаолиятим орқали эл узоғини яқин қилаётганимдан ғурурланаман. Бундай бахтни ҳеч бир бойлик билан ўлчаб бўлмайди. Илоҳим, нуридийдаларимнинг толеига тинч-фаровон ҳаётимиз бардавом, турмушимиз тўкис, ҳурлигимиз абадий бўлсин!

Ҳабибраҳмон МИРСОАТОВ,
Тошкент шаҳридаги 7-автокорхона ҳайдовчиси.

Хизмат

Тўрақўрғон туманидаги "Альфа" хусусий корхонаси иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ.

«Альфа»нинг бежирим либослари

Корхонага хориждан тикув дастгоҳлари келтирилганидан кейин ишлар юришиб кетди. Бу ерда ойига 10 миллион сўмлик эркаклар ва аёллар кўйлаклари, костюм-шим ҳамда бошқа кийимлар тайёрланиб, бозорга чиқарилаяпти.

Шунингдек, корхона ва ташкилотлардан буюртмалар қабул қилинмоқда. Жумладан, яқинда "Равнақ" ва "Замин" қурилиш фирмалари ходимлари учун махсус кийим-бош тикиб бериш бўйича шартнома имзоланди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Сабаблари аниқ эмас

Вашингтон метросида йирик темир йўл ҳодисаси содир бўлди, дея хабар тарқатди маҳаллий "Wtop.com" радиостанцияси.



Икки поезднинг тўқнашиб кетиши натижасида ўнга яқин йўловчи ҳалок бўлган, 70 нафари эса турли даражада тан жароҳати олган. Улардан айримларининг аҳволи оғир экани айтилмоқда.

Фалокат сабаблари ҳозирча аниқ эмас. Фожиа юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, бу Вашингтон метросининг 33 йиллик тарихидаги энг катта ҳалокатдир. Охирги бор ана шундай бахтсиз воқеа 1982 йилда юз берганди ва унда 3 киши ҳаётдан кўз юмганди.

Яхтадаги заҳри қотил

Португалия ҳарбий денгиз кучлари яхтада олиб кетилаётган беш тонна гиёҳванд моддани қўлга киритди.

"ИТАР-ТАСС" ахборот агентлигининг маълум қилишича, яхта Германияда рўйхатдан ўтказилган бўлиб, айни пайтда унинг икки нафар экипаж аъзоси ҳибсга олинган. Воқеа юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Лотин Америкаси ва Африка ҳудудларидан келадиган гиёҳванд моддаларнинг асосий қисми Европа мамлакатларига Португалия орқали олиб ўтилади. Бунга йўл қўймаслик мақсадида мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари минтақада қаттиқ назорат ўрнатган. Бу тадбирларнинг самараси ўлароқ, биргина ўтган йилда жиноятчилар томонидан олиб ўтишга уринилган 50 тоннадан ортиқ заҳри қотил мусодара қилинган.

Чекиш ман этилади

Гонконгда жорий йилнинг биринчи июлидан бошлаб жамоат жойларида чекиш тақиқланадиган бўлди.

Манбада айтилишича, энди чекиш учун барлар ва бошқа кўнгилочар жойларда рухсат этилмайди. Бундан ташқари, кўчаларда ҳам бу ҳолатни чеклашни кучайтириш борасида тадбирлар жорий этилиши билдирилган. Статистика маълумотларида келтирилишича, айни пайтда Гонконг аҳолисининг 13,2 фоизи (750 минг киши) кашандаликни одат қилган экан.

Хитойда чекишни чеклашга қаратилган шу каби қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда ҳомиладор аёллар олдида тамаки тутатиш тақиқланганди. Мамлакатнинг Гуанчжоу шаҳрида ҳам тез орада янги тартиб жорий этилиши кутилмоқда. Унга кўра, болалар боғчаси, кинотеатрлар ва ҳукумат ташкилотлари биноларида чекишга йўл қўйилмайди. Бунга амал қилмаганларга маъмурий ҳамда иқтисодий чоралар кўрилади.

Зилзиланинг саммитга таъсири

Душанба куни Италиянинг Абруццо вилоятида зилзила содир бўлди.

Мамлакат геофизика ва вулканология миллий институти маълумотларига кўра, табиий офат маркази Аквила шаҳрида қайд этилган бўлиб, унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 4,5 баллни ташкил қилган. Ҳозирча талафотлар борасида ҳеч гап йўқ. Абруццода охирги вақтларда ер силкинишлари тез-тез кузатилмоқда. Масалан, жорий йилнинг апрель ойи бошларида юз берган кучли зилзила оқибатида 299 киши ҳалок бўлган, 1,5 минг киши эса тан жароҳати олганди.

Аквилада жорий йилнинг 8-10 июль кунлари "катта саккизлик" давлатларининг навбатдаги саммити ўтказилиши режалаштирилганди. Табиатнинг бундай инжиқликлари туфайли Италия вазирлар кенгаши тадбирни Маддалена оролига кўчиришга қарор қилган.

Марсда кўл бўлган

АҚШнинг Колорадо университети олимлари Марс сайёрасида қадимда кўл қолдиқлари бўлганлигини маълум қилишди.

Бу тадқиқот ишлари "қизил сайёра"ни тадқиқ этишга мўлжалланган "HiRISE" (Илм-фаннинг юқори кўринишли фотоси) аппарати камераси ёрдамида суратга олинган лавҳаларда акс этган.

Ушбу кўл изларидан маълум бўлишича, унинг майдони 207 квадрат километрга тенг. Кўл бағрида обиҳаёт тахминан бундан 3,4 миллиард йил аввал бўлган. Агарда бу тадқиқот исботланса, олимлар нима сабабдан Марсда сувнинг йўқолиб кетиши сабабларини ўрганишади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Дўстлик туманидаги "Эл-Эрк-Нур" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган ўсимлик ёғининг харидорлари йил сайин кўпайиб бораяпти.

Ишбилармонлик меваси

Корхона модернизация қилингандан сўнг бу ерда 11 хилдаги нон маҳсулотлари ҳам тайёрлана бошланди. Ишчи-хизматчилар сони юз нафардан ошди.

Корхона жамоаси айни пайтда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳаракатида. Ҳозирда бу ерга хориждан бир неча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган минитехнологиялар ҳам олиб келиб ўрнатилди. Ушбу дастгоҳлар ишга туширилиши билан тез орада яна 20 та янги иш ўрни яратилади.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РКМБ Навоий вилояти филиали

томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 12 июндаги 118(4781)-сонида чоп этилган, 2009 йил 17 июль куни ўтказиладиган, Кармана тумани, «Дўстлик-2» мавзесидаги якка тартибда уй-жой қуриш учун 36 та ер майдони бўйича аукцион савдоси ҳақидаги эълонига қуйидаги ўзгартиришлар киритилади:

«Кармана тумани аҳолиси учун» деб ёзилган жумла ўзгартирилиб, «Савдога қатнашиш истагини билдирган барча фуқаролар учун» деб ўқилади.

Шунингдек, Навоий вилояти, Кармана тумани, Охунбобоев кўчаси, 50-уйда жойлашган мусиқа мактаби биносида ўтказиладиган аукцион савдосига ариза ва талабгорлардан закалат пуллари 10 фоиз миқдорида қабул қилинади.

Қўшимча маълумот учун манзил:
Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уй.
Телефонлар: (8-436) 224-15-61, 224-64-31.
Эл.почта: user07@rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.

829H/840

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети

2009/2010 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича абитуриентлар қабул қилишини эълон қилади:

- машинасозлик технологияси;
- автомобиль инжиниринги;
- саноат ва аҳоли қурилиши инжиниринги;
- архитектура ва саноат дизайни;
- саноатда ахборот технологиялари ва АБТ;
- энергетика.

Университетда ўқитиш инглиз тилида олиб борилади.

Ҳужжатлар 2009 йил 15 июндан 1 июлгача Тошкент ахборот технологиялари университетида қабул қилинади (Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 108-уй).

Кириш имтиҳонлари қуйидаги фанлар бўйича: математика (тест), физика (тест), логика (тест), инглиз тили (суҳбат ўтказиш) 5-17 июль кунлари ўтказилади.

Турин политехника университети томонидан 1 июндан Ўзбекистон Республикаси бўйича қуйидаги олий таълим муассасаларида тайёрлов курслари ташкил этилади:

- Тошкент шаҳри, ТДПУ, ТАЙИ
- Тошкент вилояти, ТВДПИ
- Андижон вилояти, АндДУ
- Фарғона вилояти, ФарДУ
- Наманган вилояти, НамДУ
- Бухоро вилояти, БухООЕСТИ
- Хоразм вилояти, УргДУ
- Қорақалпоғистон Республикаси, ҚДУ
- Навоий вилояти, НавДПИ
- Қашқадарё вилояти, ҚаршДУ
- Сурхондарё вилояти, ТермДУ
- Сирдарё вилояти, ГулДУ
- Жиззах вилояти, ЖизДПИ
- Самарқанд вилояти, СамДУ

Битирувчиларга Италия Республикаси Турин политехника университети дипломи берилади.

Телефонлар: 267-71-51, 267-71-60. www.polito.uz

5126/72

Муҳтарам газетхон!
Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшсаҳифа бепул илова қилинмоқда.

ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, ҚЎМИТАЛАР, ЎҚУВ ВА ИЛМИЙ МУАССАСАЛАР, КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ХОРИЖИЙ, ҚЎШМА ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР, ФИРМАЛАР ҲАМДА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

2009 йил 27 июнь соат 9.00 да 2008/2009 ўқув йили битирувчилари учун **«КАРЬЕРА КУНИ»ни** ўтказади.

Мазкур тадбирнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- *бакалавриат таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари бўйича университет битирувчиларининг махсус, касбий ва малакавий билимлари, қобилиятлари ҳамда малакалари тақдимоти;*
- *вазирликлар, идоралар, қўмиталар, ўқув ва илмий муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, хорижий, қўшма ва кичик корхоналар, фирмалар вакиллари ҳамда тадбиркорлар билан университетнинг 2008/2009 ўқув йили битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича музокаралар олиб бориш;*
- *ўқув режаларига асосан, ўқитувчилар, талабалар ва магистрларнинг, шунингдек, компаниялар ва талабаларнинг ўз ташаббуслари билан йўналишлар, дастурлар, малакавий амалиётлар мавзулари, стажировкаларини корхоналар ва ташкилотларда ўтказишни муҳокама қилиш;*
- *битирув малакавий ишлари, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертациялари мавзулари ва йўналишларини корхона ҳамда ташкилотларнинг аниқ эҳтиёжларини қондириш мақсадида, шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурининг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда муҳокама қилиш;*
- *кадрларга буюртма берганлар билан университет ўртасида аниқ интеграцион алоқалар ўрнатиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишлари, фундаментал ва илмий маҳсулотлар тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилиш;*
- *иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан бакалавриат ҳамда магистратура битирувчилари ўртасида ишга жойлаш бўйича тўғридан-тўғри узоқ муддатга мўлжалланган алоқалар ўрнатиш ва шартномалар тузиш.*

Тадбир ўтказиладиган манзил:

Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй, бош бино (14 қаватли бино), Тошкент давлат иқтисодиёт университети ахборот-ресурс марказининг мажлислар зали.
Маълумот олиш учун маркетинг бўлими телефони: (+ 99871) 245-85-55.

FIAT GROUP

NEW HOLLAND TL5060

TEL.: 120 60 97 - 120 89 58

NEW HOLLAND AGRICULTURE

СИЗНИНГ МУВАФФАКИЯТИНГИЗ – БИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ

Ишлаб чиқарувчи корхона аҳолига ва корхоналарга қуйидаги хизматларни кўрсатади:

- **қалинлиги 10 мм. гача бўлган барча турдаги металларни букиш;**
- **барча пайвандлаш хизматлари;**
- **мижоз материалидан (металл) маҳсулот тайёрлаш ва ишлаб чиқариш.**

Қўшимча маълумот учун телефонлар: 120-74-50, 120-74-76. Факс: 120-73-55.

89R/139

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ

«Ижтимоий-рағбат» ютуқли омонати бўйича 2009 йил 21 июнда Оққўрғон шаҳрида ўтказилган 3-ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Т/р	Ютуқ миқдори (сўм)	Ҳудуд	Филиал	Муассаса	Ҳисоб-варақ рақами
1	2000000	Жиззах вилояти	Зомин филиали	09-шохобча	ИР-262
2	1000000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	02-шохобча	ИР-400
3	1000000	Андижон вилояти	Пахтаобод филиали	04-шохобча	ИР-348
4	500000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	011-шохобча	ИР-10
5	500000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	Амалиёт бўлими	ИР-412
6	500000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	027-шохобча	ИР-545
7	250000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	035-шохобча	ИР-335
8	250000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	02-шохобча	ИР-499
9	250000	Наманган вилояти	Поп филиали	"Иттифоқ" минибанки	ИР-20
10	250000	Жиззах вилояти	Фориш филиали	013-шохобча	ИР-11
11	250000	Андижон вилояти	Пахтаобод филиали	03-сайёр касса	ИР-413
12	200000	Самарқанд вилояти	Ургут филиали	025-шохобча	ИР-88
13	200000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	031-шохобча	ИР-541
14	200000	Андижон вилояти	Қўйғанёр филиали	052-шохобча	ИР-156
15	200000	Андижон вилояти	Қўйғанёр филиали	053-шохобча	ИР-879
16	200000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	02-шохобча	ИР-397
17	200000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	01-шохобча	ИР-932
18	200000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	01-шохобча	ИР-1443
19	200000	Хоразм вилояти	Гурлан филиали	Амалиёт бўлими	ИР-7
20	200000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	01-шохобча	ИР-1479
21	200000	Сирдарё вилояти	Оқолтин филиали	Амалиёт бўлими	ИР-837
22	100000	Қорақалпоғистон Республикаси	Қораузак филиали	Амалиёт бўлими	ИР-66
23	100000	Андижон вилояти	Избоскан филиали	05-шохобча	ИР-483
24	100000	Андижон вилояти	Пахтаобод филиали	03-сайёр касса	ИР-309
25	100000	Сурхондарё вилояти	Қумқўрғон филиали	08-шохобча	ИР-153
26	100000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	01-шохобча	ИР-852
27	100000	Навоий вилояти	Навоий шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ИР-54
28	100000	Жиззах вилояти	Зомин филиали	014-шохобча	ИР-319
29	100000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	"Озод" минибанки	ИР-250
30	100000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	027-шохобча	ИР-726
31	100000	Қорақалпоғистон Республикаси	Шуманай филиали	05-шохобча	ИР-8
32	100000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	027-шохобча	ИР-427
33	100000	Андижон вилояти	Қўйғанёр филиали	053-шохобча	ИР-1005
34	100000	Сирдарё вилояти	Сирдарё шаҳар филиали	09-шохобча	ИР-74
35	100000	Жиззах вилояти	Зомин филиали	014-шохобча	ИР-272
36	100000	Андижон вилояти	Марҳамат филиали	Амалиёт бўлими	ИР-141
37	100000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	03-шохобча	ИР-243
38	100000	Қорақалпоғистон Республикаси	Мўйнақ филиали	03-шохобча	ИР-1
39	100000	Андижон вилояти	Қўйғанёр филиали	053-шохобча	ИР-997
40	100000	Андижон вилояти	Қўйғанёр филиали	058-шохобча	ИР-80
41	100000	Жиззах вилояти	Зомин филиали	014-шохобча	ИР-311
42	100000	Тошкент вилояти	Зангиота филиали	024-шохобча	ИР-6
43	100000	Жиззах вилояти	Мирзачўл филиали	04-шохобча	ИР-142
44	100000	Қорақалпоғистон Республикаси	Респ. Амалиёт бўлими	04-шохобча	ИР-2
45	50000	Андижон вилояти	Қўйғанёр филиали	06-шохобча	ИР-626
46	50000	Андижон вилояти	Пахтаобод филиали	04-шохобча	ИР-117
47	50000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	027-шохобча	ИР-386
48	50000	Тошкент шаҳри	М.Улуғбек филиали	0379-шохобча	ИР-3
49	50000	Наманган вилояти	Поп филиали	038-шохобча	ИР-85
50	50000	Навоий вилояти	Навоий шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ИР-175
51	50000	Андижон вилояти	Қўйғанёр филиали	058-шохобча	ИР-639
52	50000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	02-шохобча	ИР-657
53	50000	Тошкент вилояти	Янгийўл филиали	028-шохобча	ИР-121
54	50000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	027-шохобча	ИР-515
55	50000	Тошкент вилояти	Янгийўл филиали	060-шохобча	ИР-24
56	50000	Андижон вилояти	Избоскан филиали	05-шохобча	ИР-307
57	50000	Андижон вилояти	Пахтаобод филиали	04-шохобча	ИР191
58	50000	Бухоро вилояти	Вобкент филиали	Амалиёт бўлими	ИР-2
59	50000	Андижон вилояти	Қўйғанёр филиали	030-шохобча	ИР-135
60	50000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	027-шохобча	ИР-703
61	50000	Наманган вилояти	Поп филиали	Амалиёт бўлими	ИР-2
62	50000	Тошкент вилояти	Зангиота филиали	024-шохобча	ИР-8
63	50000	Жиззах вилояти	Зомин филиали	014-шохобча	ИР-234
64	50000	Андижон вилояти	Избоскан филиали	05-шохобча	ИР-160
65	50000	Тошкент вилояти	Бука филиали	014-шохобча	ИР-8
66	50000	Сурхондарё вилояти	Музработ филиали	02-шохобча	ИР-86
67	50000	Қорақалпоғистон Республикаси	Қораузак филиали	Амалиёт бўлими	ИР-110
68	50000	Самарқанд вилояти	Ургут филиали	025-шохобча	ИР-161
1262	5000	Андижон вилояти	Пахтаобод филиали	04-шохобча	ИР-325
1263	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	027-шохобча	ИР-383
1264	5000	Жиззах вилояти	Зомин филиали	014-шохобча	ИР-247
1265	5000	Қорақалпоғистон Республикаси	Хўжайли филиали	048-шохобча	ИР-26
1266	5000	Сурхондарё вилояти	Жарқўрғон филиали	025-шохобча	ИР-234
1267	5000	Андижон вилояти	Қўйганёр филиали	058-шохобча	ИР-4
1268	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	02-шохобча	ИР-639
1269	5000	Жиззах вилояти	Зомин филиали	"Янгиобод" минибанки	ИР-184
1270	5000	Қорақалпоғистон Республикаси	Чимбой филиали	028-шохобча	ИР-14
1271	5000	Сурхондарё вилояти	Қумқўрғон филиали	08-шохобча	ИР-252
1272	5000	Андижон вилояти	Қўйганёр филиали	030-шохобча	ИР-425
1273	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	01-шохобча	ИР-1442
1274	5000	Жиззах вилояти	Мирзачўл филиали	020-шохобча	ИР-45
1275	5000	Хоразм вилояти	Қўшкўпир филиали	06-шохобча	ИР-2
1276	5000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	"Мирбозор" минибанки	ИР-20
1277	5000	Андижон вилояти	Қўйганёр филиали	052-шохобча	ИР-165
1278	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	01-шохобча	ИР-792
1279	5000	Бухоро вилояти	Шофиркон филиали	03-шохобча	ИР-154
1280	5000	Фарғона вилояти	Бешариқ филиали	031-шохобча	ИР-6
1281	5000	Самарқанд вилояти	Ургут филиали	025-шохобча	ИР-63
1282	5000	Андижон вилояти	Қўйганёр филиали	058-шохобча	ИР-791
1283	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	Амалиёт бўлими	ИР-373
1284	5000	Андижон вилояти	Избоскан филиали	10-шохобча	ИР-170
1285	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	"Озод" минибанки	ИР-241
1286	5000	Навоий вилояти	Нурота филиали	011-шохобча	ИР-76
1287	5000	Андижон вилояти	Вилоят Амалиёт бўлими	094-шохобча	ИР-110
1288	5000	Тошкент вилояти	Паркент филиали	"Қорақалпоқ" минибанки	ИР-344
1289	5000	Андижон вилояти	Пахтаобод филиали	04-сайёр касса	ИР-155
1290	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	031-шохобча	ИР-431
1291	5000	Қашқадарё вилояти	Бешкент филиали	Амалиёт бўлими	ИР-76
1292	5000	Қорақалпоғистон Республикаси	Шуманай филиали	04-шохобча	ИР-9
1293	5000	Сирдарё вилояти	Оқолтин филиали	Амалиёт бўлими	ИР-964
1294	5000	Андижон вилояти	Пахтаобод филиали	02-сайёр касса	ИР-59
1295	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	027-шохобча	ИР-493
1296	5000	Жиззах вилояти	Зомин филиали	014-шохобча	ИР-357
1297	5000	Қорақалпоғистон Республикаси	Респ. Амалиёт бўлими	Амалиёт бўлими	ИР-48
1298	5000	Сирдарё вилояти	Вилоят Амалиёт бўлими	"Тараққиёт" минибанки	ИР-79
1299	5000	Андижон вилояти	Қўйганёр филиали	030-шохобча	ИР-19
1300	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	03-шохобча	ИР-247
1301	5000	Жиззах вилояти	Зомин филиали	09-шохобча	ИР-138
1302	5000	Қорақалпоғистон Республикаси	Чимбой филиали	048-шохобча	ИР-16
1303	5000	Сурхондарё вилояти	Қумқўрғон филиали	015-шохобча	ИР-127
1304	5000	Андижон вилояти	Қўйганёр филиали	030-шохобча	ИР-537
1305	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	01-шохобча	ИР-1552
1306	5000	Жиззах вилояти	Мирзачўл филиали	019-шохобча	ИР-14
1307	5000	Тошкент шаҳар	М.Улуғбек филиали	Амалиёт бўлими	ИР-4
1308	5000	Самарқанд вилояти	Пахтачи филиали	Амалиёт бўлими	ИР-134
1309	5000	Андижон вилояти	Қўйганёр филиали	048-шохобча	ИР-116
1310	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	01-шохобча	ИР-912
1311	5000	Бухоро вилояти	Шофиркон филиали	018-шохобча	ИР-212
1312	5000	Фарғона вилояти	Сух филиали	03-шохобча	ИР-27
1313	5000	Самарқанд вилояти	Ургут филиали	025-шохобча	ИР-174
1314	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	01-шохобча	ИР-43
1315	5000	Андижон вилояти	Избоскан филиали	10-шохобча	ИР-400
1316	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	"Озод" минибанки	ИР-351
1317	5000	Наманган вилояти	Янгиқўрғон филиали	024-шохобча	ИР-18
1318	5000	Андижон вилояти	Марҳамат филиали	03-сайёр касса	ИР-9
1319	5000	Тошкент вилояти	Зангиота филиали	056-шохобча	ИР-2
1320	5000	Андижон вилояти	Пахтаобод филиали	04-сайёр касса	ИР-23
1321	5000	Навоий вилояти	Навоий шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ИР-24
1322	5000	Қорақалпоғистон Республикаси	Оқмангит филиали	09-шохобча	ИР-12
1323	5000	Сирдарё вилояти	Оқолтин филиали	Амалиёт бўлими	ИР-516
1324	5000	Андижон вилояти	Пахтаобод филиали	03-сайёр касса	ИР-15
1325	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	027-шохобча	ИР-603
1326	5000	Жиззах вилояти	Зомин филиали	014-шохобча	ИР-467
1327	5000	Қорақалпоғистон Республикаси	Респ. Амалиёт бўлими	027-шохобча	ИР-4
1328	5000	Сирдарё вилояти	Сирдарё шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ИР-8
1329	5000	Андижон вилояти	Қўйганёр филиали	030-шохобча	ИР-129
1330	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	07-шохобча	ИР-13
1331	5000	Жиззах вилояти	Зомин филиали	09-шохобча	ИР-248
1332	5000	Қорақалпоғистон Республикаси	Кегейли филиали	016-шохобча	ИР-9
1333	5000	Сурхондарё вилояти	Қумқўрғон филиали	015-шохобча	ИР-530
1334	5000	Андижон вилояти	Қўйганёр филиали	030-шохобча	ИР-649
1335	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	02-шохобча	ИР-38
1336	5000	Жиззах вилояти	Дустлик филиали	07-шохобча	ИР-1
1337	5000	Тошкент шаҳар	М.Улуғбек филиали	0185-шохобча	ИР-8
1338	5000	Самарқанд вилояти	Пахтачи филиали	Амалиёт бўлими	ИР-254
1339	5000	Андижон вилояти	Қўйганёр филиали	06-шохобча	ИР-669
1340	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	01-шохобча	ИР-1022
1341	5000	Жиззах вилояти	Зарбдор филиали	"Жиззах" минибанки	ИР-154
1342	5000	Хоразм вилояти	Гурлан филиали	08-шохобча	ИР-3
1343	5000	Самарқанд вилояти	Ургут филиали	028-шохобча	ИР-46
1344	5000	Андижон вилояти	Қўйганёр филиали	053-шохобча	ИР-1003
1345	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	01-шохобча	ИР-211
1346	5000	Андижон вилояти	Избоскан филиали	017-шохобча	ИР-92
1347	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	"Қаҳрамон" минибанки	ИР-249
1348	5000	Наманган вилояти	Поп филиали	"Иттифоқ" минибанки	ИР-14
1349	5000	Андижон вилояти	Булоқбоши филиали	01-сайёр касса	ИР-3
1350	5000	Тошкент вилояти	Янгийўл филиали	015-шохобча	ИР-4
1351	5000	Андижон вилояти	Пахтаобод филиали	04-сайёр касса	ИР-142
1352	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	"Гулистон" минибанки	ИР-46
1353	5000	Навоий вилояти	Навоий шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ИР-144
1354	5000	Қорақалпоғистон Республикаси	Қораузак филиали	Амалиёт бўлими	ИР-57
1355	5000	Сирдарё вилояти	Оқолтин филиали	01-шохобча	ИР-668
1356	5000	Андижон вилояти	Пахтаобод филиали	03-сайёр касса	ИР-125
1357	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	027-шохобча	ИР-713
1358	5000	Жиззах вилояти	Зомин филиали	014-шохобча	ИР-577
1359	5000	Қорақалпоғистон Республикаси	Кўнғирот филиали	020-шохобча	ИР-4
1360	5000	Сирдарё вилояти	Сирдарё шаҳар филиали	"Бахт" минибанки	ИР-31
1361	5000	Андижон вилояти	Қўйганёр филиали	030-шохобча	ИР-239
1362	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	07-шохобча	ИР-225
1363	5000	Жиззах вилояти	Зомин филиали	09-шохобча	ИР-358
1364	5000	Қорақалпоғистон Республикаси	Беруний филиали	013-шохобча	ИР-13
1365	5000	Сурхондарё вилояти	Қумқўрғон филиали	011-шохобча	ИР-107
1366	5000	Андижон вилояти	Қўйганёр филиали	054-шохобча	ИР-622
1367	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	02-шохобча	ИР-329
1368	5000	Жиззах вилояти	Учтепа филиали	03-шохобча	ИР-132
1369	5000	Тошкент шаҳар	Яккасарой филиали	Амалиёт бўлими	ИР-24
1370	5000	Сурхондарё вилояти	Музработ филиали	Амалиёт бўлими	ИР-20
1371	5000	Андижон вилояти	Қўйганёр филиали	06-шохобча	ИР-367
1372	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	01-шохобча	ИР-1132
1373	5000	Жиззах вилояти	Зарбдор филиали	"Жиззах" минибанки	ИР-88
1374	5000	Хоразм вилояти	Гурлан филиали	021-шохобча	ИР-35
1375	5000	Самарқанд вилояти	Нуробод филиали	012-шохобча	ИР-10
1376	5000	Андижон вилояти	Қўйганёр филиали	053-шохобча	ИР-287
1377	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	01-шохобча	ИР-438
1378	5000	Андижон вилояти	Избоскан филиали	017-шохобча	ИР-271
1379	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	"Қаҳрамон" минибанки	ИР-359
1380	5000	Наманган вилояти	Поп филиали	017-шохобча	ИР-10
1381	5000	Андижон вилояти	Булоқбоши филиали	02-сайёр касса	ИР-155
1382	5000	Тошкент вилояти	Янгийўл филиали	034-шохобча	ИР-31
1383	5000	Андижон вилояти	Избоскан филиали	05-шохобча	ИР-78
1384	5000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	"Гулистон" минибанки	ИР-277
1385	5000	Қорақалпоғистон Республикаси	Қораузак филиали	"Қораузак" минибанки	ИР-21
1386	5000	Сирдарё вилояти	Оқолтин филиали	01-шохобча	ИР-780
1387	5000	Андиж

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ОБОД ҚИШЛОҚ ОДАМЛАРИ

Навоий вилоятидаги Зармитан қишлоғи аҳли янгиланишлар сари интилмоқда.
— Экинзорлар оралаб борар эканман, — дейди "Зарафшон тўлқини" фермер хўжалиги раҳбари Бобур Ғофуров, — гўё мусиқа сеҳрини туйгандек бўламан. Бу ҳолат ҳар кун, ҳар сонияда такрорланиб туради ва мен бундан завқ олиб, ишга шўнғиб кетаман.

Эндигина 31 ёшни қаршилаган бу йигитнинг қадамидан ўт чақнайди. Бу йил хўжаликда 8 гектар ерга чиллаки буғдой нави экилган. Экиннинг ривожи яхши. Мақсад — гектар бошига ҳосилдорликни 68 центнерга етказиш, 13,1 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 48 центнердан дурдона олиш. Ваҳоланки, ўтган йили бу рақам 43,8 центнерни ташкил этган эди.

— Ҳуррият офтоби одамлар қалбини ёритди. Меҳнатдан манфаатдорлик кўраяпмиз, — дейди Бобурнинг отаси Абдуқаҳҳор ака. — Қўша-қўша молимиз, шинам ҳовли-жойимиз, енгил машинамиз, банкда маблағимиз бор. Тенгқурларим билан ўтирганимда, Юртбошимизнинг "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз" деган сўзларини такрорлайман. Ҳозир фермер хўжалигида меҳнат қилаётган 15 оила тўқ ва бахтиёр яшамоқда.

— Ҳудудда 16857 нафар аҳоли 24 та қўрғонда истиқомат қилади, — дейди Зармитан қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Муродилла Муқимов. — Истиқлол йилларида бу гўшалар кўркам, файзли қиёфа касб этди. Бугунги кунда 55 та пахтачилик ва ғаллачилик, учта асаларичилик, 34 та узумчилик, 86 та боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Улар ихтиёрида 1454 гектар пахта, 1056 гектар ғалла, 38 гектар узумзор, 177 гектар мевали боғ майдонлари мавжуд. Бу мулкдорлар қарамоғидаги экинзорлар серҳосил ва саховатли. Деҳқончилик ва боғдорчиликда олиб борилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Рақамларга мурожаат этсак, ўтган йили ғалла майдонларидан 4581 тонна дон олиниб, унинг 3330 тоннаси давлатга сотилди. 1251 тоннаси фермерлар ихтиёрида қолди. Ҳосилдорлик гектар бошига 43,4 центнерни ташкил этди. Пахта майдонларидан эса 5198 тонна "оқ олтин" йиғиштириб олинди.

— Ҳозир ярим гектарга мўлжалланган иссиқхона қуришга киришдим, — дейди "Аҳмад бобо" фермер хўжалиги етакчиси Абдулла Давронов. — Бунинг учун банкдан 200 миллион сўм кредит олиш тараддудидаман. Айни кунларда ажратилган ер майдонида ишлар бошлаб юборилди. Иссиқхона шу йил охирларида ишга туширилади.

Ушбу фермер хўжалиги 40 гектар ерда деҳқончилик ишлари билан шуғулланиб, ҳар йили юксак меҳнат натижаларини қўлга киритиб келмоқда.

Ҳудудда бешта мактаб, битта касб-ҳунар коллежи, бешта қишлоқ врачлик пункти, етмишдан ортиқ маданий, маиший, савдо тармоқлари аҳоли хизматида.

Зармитанда чорва ҳам ривож топаяпти. Қишлоқ хонадонларида 11125 бош қорамол, шундан 3770 бош соғин сигир, 11843 бош қўй-қўзи боқилмоқда.

Қисқаси, обод қишлоқ одамлари ўз масканларининг шукуҳли бўлиши учун доимо изланмоқдалар. Кўчалар, кўркам ҳовли-жойлар, боғлар тадбиркорлар қўлида сайқал топмоқда.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ «WOSTOK» ЖУРНАЛИ САҲИФАЛАРИДА

Германияда чоп этиладиган "Wostok" журналининг навбатдаги сонида "Тошкент 2200 ёшда — юбилей кенг нишонланади" сарлавҳали мақола чоп этилди.

Биз ва жаҳон

Унда таъкидланишича, 2007 йилнинг 2 ноябридаги ЮНЕСКО Бош конференциясининг 34-сессиясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган. 2008 йилнинг 2 апрелида эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинган. "Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўзбек халқининг миллий ғурури, маънавияти, урф-одат ва анъаналарини қайта тиклашга катта эътибор қаратилмоқда", деб ёзади муаллиф.

Мақолада ўзбек давлатчилиги тарихи ва мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида Тошкентнинг тутган ўрни ҳамда аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган. "Тошкент дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган ва ҳақли равишда "Шарқ дарвозаси" номини олган", дейилади мақолада.

Нашрнинг қайд этишича, Тошкент шаҳрининг юбилейи Ўзбекистон қадимий шаҳарлари ва инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган ал-Беруний, Мирзо Улуғбек, ал-Фарғоний, ал-Бухорий ва бошқа кўплаб буюк алломаларнинг юбилейларини нишонлаш анъанасининг мантиқий давомидир.

Муаллиф, шунингдек, Тошкентнинг юбилейи ҳамда бу санани муносиб нишонлаш мақсадида шаҳардаги мавжуд тарихий обида ва ёдгорликларни қайта тиклаш, таъмирлаш, янги замонавий бинолар барпо этиш, шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларига алоҳида эътибор қаратган. Бу ҳақда фикр юритиб, у шундай ёзади: "Бугун Тошкентда ўтмиш билан ҳозирги кун ўзаро уйғунлашиб кетган. Бир томондан, замонавий услубда қад ростлаган осмонўпар бинолар ва кўприкларни, бошқа томондан эса қадимий масжидлар, мадраса ва бошқа кўплаб тарихий меъморлик ёдгорликларини кўриш мумкин".

"Тошкент том маънодаги "глобал шаҳар". У бутун Марказий Осиёнинг саноат ва иқтисодий марказидир», дея эътироф этилади мақолада.

Шунингдек, журналнинг шу сонида «Қашқадарёнинг ғарбий ҳудудида анъанавий каштачилик» сарлавҳали мақола ҳам чоп этилган бўлиб, унда ўзбек халқ амалий санъатининг ўзига хос ва бетакрор жиҳатлари ҳақида сўз юритилади. Мақола Қашқадарё воҳасининг ғарбий ҳудудида тикилган кашталарнинг кўплаб намуналари акс этган суратлар билан безатилган.

Шуҳрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА.
Берлин

Президентимизнинг юксак эътибори ва ғамхўрлиги туфайли мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни юксалтириш, жумладан, қишлоқларда ҳам замонавий, барча қулайликларга эга тиббиёт масканларини барпо этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Марказдаги шифохоналардан асло қолишмайдиган бундай тиббий муассасаларнинг ҳозирги хизматидан қишлоқ аҳли мамнун.

ОВУЛДА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Саломатлик

Кегейли туманидаги "Жузимбоғ" қишлоқ врачлик пункти — шундай замонавий масканлардан бири. Муассасада қарийб беш мингга яқин аҳоли саломатлиги доимий назорат қилиб борилади. Ўтган йили муассаса БМТнинг Тараққиёт дастури лойиҳаси ажратган 8400 АҚШ доллари асосида қуёш энергияси ёрдамида иссиқ сув ва муқобил электр энергияси билан таъминловчи тизимга эга бўлди. Эндиликда шу орқали тиббиёт пунктида хоҳлаган муолажа ёки операция қилиш имкони яратилди. Муассаса Қорақалпоғистон Республикаси Тиббиёт ходимлари касаба уюшмалари федерацияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан компьютер мажмуаси билан ҳам таъминланди.

Тиббиёт пунктига ташриф буюрган меҳнат фахрийлари Усенбой Болтаниязов ва Сарсенбой Айтбоевнинг таъкидлашича, айни пайтда қишлоқ аҳлининг анча кўп вақтини сарфлаб, туман марказидаги шифохонага боришларига ҳожат йўқ. Чунки замонавий тиббий жиҳозларга эга бўлган пунктнинг ўзида барча шароит муҳайё.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистонда мавжуд 236 та даволаш поликлиника муассасасининг 181 таси қишлоқ врачлик пунктларидир. Қишлоқ врачлик пунктларининг 65 таси янгидан қурилди, 116 таси эса қайта реконструкция қилинди.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида мамлакатимизнинг тиббиёт соҳасини юксак даражага етказиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Биргина, "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" лойиҳалари асосида Оролбўйидаги 136 та ҚВП қарийб 831 миллион 779 минг сўмликдан ортиқ тиббий асбоб-ускуналар ва буюмлар, 26 таси 69 миллион 585 минг сўмликдан зиёд мебеллар билан таъминлангани сўзимизнинг исботидир. 2009-2010 йиллар давомида фойдаланишга топшириладиган барча ҚВПлар "Саломатлик-2" лойиҳаси доирасида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланиши кўзда тутилмоқда.

Яқинда юртимиз иқтисодиётини юксалтиришга улуш қўшаётган Қўнғирот сода заводи жамоаси ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Завод жойлашган Элобод шаҳарчасида ҚВП биноси капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бу шаҳарча инфратузилмасини яхшилашда яна бир муҳим қадам бўлди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни юксак замонавий даражаларга олиб чиқиш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлар Қорақалпоғистон Республикасида ҳам қувонарли самаралар бермоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутувчи банк тизимидаги ислоҳотлар республикамиздаги молия муассасаларининг халқ фаровонлигига хизмат қилишини, уларнинг аҳоли турмуш даражасини юксалтириш йўлида фаолият юритишини таъминлаётир. Табиийки, жаҳонда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз кўплаб мамлакатлар иқтисодиётига, хусусан, молия-банк тизимига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётир.

ИШОНЧ. БАРҚАРОРЛИК. САМАРА

банк фаолиятининг асосий мезонлари бўлиб қолмоқда

Бу иқтисодий бўҳрон Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Гарчанд шундай бўлишига қарамасдан, мамлакатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган узоқ келажакка мўлжалланган сиёсий йўл туфайли ислоҳотларимиз изчил давом этмоқда. Иқтисодиётнинг ўзбек модели асосида асосли ва чуқур ўйланган иқтисодий сиёсат юритилмоқда. Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланганидек, агросаноат мажмуи тармоқларини тараққий топтиришда молия-банк тизимининг ўрнини янада мустаҳкамлаш, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг жорий йил 30 мартидаги "Агробанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан, очиқ акциядорлик тижорат "Пахтабанк" негизида "Агробанк" акциядорлик тижорат банки ташкил этилди.

Иқтисодиётнинг аграр секторини барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, аниқроғи, уларга кенг турдаги банк хизматлари кўрсатиш "Агробанк" ОАТБнинг асосий вазифаси этиб белгиланди. Табиийки, бу вазифалар мазкур банкнинг Жиззах вилояти бошқармаси фаолиятининг ҳам асосий мезонини ташкил қилади. Эндиликда бошқарма турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалик корхоналари, шу жумладан, пахта ва ғаллани қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган корхоналарни молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб боради, агросаноат мажмуи тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, соҳага замонавий чет эл технологиялари ва ускуналарини жалб этиш асосида ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашда фаол иштирок этади. Шунингдек, бошқарма ва унинг филиаллари ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдириш учун инвестицион жараёнларда ҳам қатнашади. Зеро, "Агробанк" ОАТБ ўзининг шу даврга қадар бўлган фаолияти давомида ҳам тезкор ва сифатли банк хизматлари орқали нафақат қишлоқ хўжалиги корхоналари, балки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳамкорига айланиб улгурди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги ҳамда 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кенг йўл ва истиқболли имкониятлар очиб берди. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигини тараққий топтириш, пировардида аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш, уни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга сезиларли таъсирини ўтказди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорига асосан, қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ишига янгича руҳ ва назар билан ёндашилмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, қишлоқда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ва турмуш сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кенг қўлланилмоқда. Қолаверса, айни вақтда бошқарма фаолиятида асосий эътибор банк тизимини ислоҳ қилишга, иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналарини, биринчи навбатда, экспорт қилувчи корхоналарни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашга, банк капиталлашувини ошириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган. Натижада банк фаолияти асосий иқтисодий кўрсаткичларининг ўсишига эришилди.

Молия муассасаларида

Хусусан, банкнинг филиаллари томонидан 2009 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, 7488,8 млн. сўм кредит ажратилди. Ушбу кредитларнинг 1384,0 млн. сўми микрокредитларни ташкил этади.

Юқорида номи тилга олинган Давлат дастури ижроси юзасидан иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни жалб этиш мақсадида 1256,0 млн. сўмлик кредит берилди. Жумладан, паррандачиликни тараққий топтириш (496,0 млн. сўм), сервис ва маиший хизмат кўрсатиш (304,0 млн. сўм), иссиқхоналар ташкил этиш (158,0 млн. сўм), минитехнология ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш (185,0 млн. сўм), қишлоқ хўжалиги мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш (185,0 млн. сўм), қишлоқларда касаначиликни ривожлантириш (34,0 млн. сўм) бўйича ажратилган кредитлар бугунги кунда ўз самарасини кўрсата бошлади.

Хайрли ишнинг хосияти бор, дейдилар. Вилоят бошқармаси аҳли ўз фаолиятини янада кенгайтиришга, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларини қамраб олишга, пировардида эл-юрт фаровонлигини юксалтиришга астойдил бел боғлаган. Бугунги кунда вилоятда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, ички бозорни шундай маҳсулотлар билан тўла-тўкис таъминлаш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспортга йўналтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда 1450,0 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу сармоялар бевосита вилоят ички ва ташқи бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга, аҳолининг айнан шу соҳадаги талабини қондиришга йўналтирилмоқда.

Шу билан бирга, вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги қарори ижросини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни, ноозиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш, вилоят аҳолисининг ноозиқ-овқат товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳам долзарб масалага айланган. Айнан шу мақсадда жорий йил давомида 1143 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Жумладан, "Жиззахпластмасса" ОАЖга бир миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиши режалаштирилган эди. Бугунги кунгача бу маблағнинг 300,0 млн. сўми ўзлаштирилди. Натижада корхонада полиэтилен қувурлар ва плёнкалар ишлаб чиқариш ҳажми 50 бараварга оширилди. Шунингдек, "Агробанк" ОАТБ Жиззах вилояти бошқармаси банк операциялари бўлимининг мижози «Маҳфуза О» МЧЖга шу йил январь ойида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олиш мақсадида 18 фоиз устама ҳақи тўлаш шарти билан 49 млн. сўм кредит маблағлари берилган эди. Ҳозирги кунда ушбу лойиҳага йўналтирилган маблағлар ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Аниқроғи, бу саъй-ҳаракатлар натижасида 25 та янги иш ўрни яратилди. 56,9 млн. сўмлик полиэтилен қувурлар ва плёнкалар ишлаб чиқарилиб, аҳолига сотилди. Айни пайтда корхонада 7,0 млн. сўмлик тайёр маҳсулотлар ўз мижозларини кутмоқда.

Бугунги кунда аёллар жамиятимизнинг фаол аъзосига айланган. Улар юрт ободлиги, эл фаровонлиги йўлида астойдил тер тўкишмоқда. Айниқса, тадбиркор аёлларнинг фаолияти таҳсинга сазовор. Шу туфайли мамлакатимиз раҳбари уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони ана шундай эътиборнинг ифодасидир. Бундай эътибор эса аёлларни тадбиркорлик фаолиятига тобора кўпроқ жалб қилмоқда, уларнинг иқтисодиёт тармоқларидаги фаоллигини янада оширмоқда. Биргина жорий йилда тадбиркор аёлларга 659,0 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши натижасида 210 дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилгани бунинг далилидир.

Вилоятда минитехнологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш, "АгроминитехЭкспо" кўргазмаларида қатнашган тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишлаб чиқаришдаги фаоллигини ошириш мақсадида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Айнан шу мақсадлар учун 85,0 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Жумладан, "Истиқлол бизнес инкубатор" хусусий корхонаси кредит маблағлари ҳисобига мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш минитехнологияларини харид қилди. Жиззах туманидаги «Шифер савдо» хусусий фирмасига эса ғишт ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида 100,0 млн. сўм миқдорида тижорат кредити берилди.

Фирма кредит маблағлари ҳисобига ғишт ишлаб чиқариш линияси барпо этди. Бугунги кунда ғишт ишлаб чиқариш ускуналари ва маҳсулотларини ёғингарчиликлардан сақлаш мақсадида омбор ва махсус айвонлар ҳам қурилмоқда.

Энг асосийси, кредит маблағлари ҳисобига 35 та янги иш ўрни ташкил этилди. Айни вақтда қурилиш ташкилотлари билан 500,0 млн. сўмлик шартномалар имзоланган, шундан 200,0 млн. сўмлик ғишт маҳсулотлари буюртмачиларга етказиб берилган.

2009 йил 1 июнь ҳолатига кўра, «Агробанк» ОАТБ Жиззах вилояти бошқармаси филиаллари томонидан аҳоли бўш пул маблағларидан омонатларга жалб қилинган маблағ 4967,5 млн. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич йил бошидагига нисбатан 141 млн. сўм кўпдир.

Албатта, бу саъй-ҳаракатлар банкнинг мижозлари ишончини янада мустаҳкамламоқда. Бу ишонч эса уларнинг фойдасига ишламоқда. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, бўш пул маблағларини омонатга тушириб, бири икки бўлмоқда, косаси оқармоқда. Банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларни яхшилашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тижорат банкларида аҳоли омонатларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда. Фармон зудлик билан барча филиалларда ўрганиб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Бошқармада ва филиалларда унинг ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳлари тузилди.

Қолаверса, аҳоли бўш пул маблағларини банк кассаларига жалб қилиш ишларини жадаллаштириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Жумладан, вилоят телевидениеси ва радиоэфирларда мунтазам рекламалар бериб борилмоқда. Вилоятнинг «Жиззах ҳақиқати» ва туман газеталари саҳифаларида ҳам ушбу мавзу муҳим ўрин эгаллаган. Ҳозирда мавжуд 12 та филиал, 44 та минибанк ва 6 та махсус кассанинг ҳар бирида ушбу Фармоннинг моҳиятини ёритиб берувчи махсус стендлар ташкил қилинган.

«Агробанк» ОАТБ Жиззах вилояти бошқармаси томонидан ҳозирда 42 минг 828 дона пластик карточка тарқатилган. Уларнинг аксарияти туман филиаллари томонидан хизмат кўрсатилаётган ташкилот ва корхоналарнинг ишчи ва хизматчиларига берилган. Жумладан, 22 минг 742 дона пластик карточка бюджет ташкилотлари ихтиёридадир.

Элга хизмат — олий ҳиммат. Пластик карточкаларнинг кўпайиши одамларга хизмат қилиш турларини янада оширди. Натижада бошқарма ва унинг филиалларида 248 дона терминал ва 2 дона банкомат ўрнатилди. Ҳозир уларнинг 188 донаси савдо, 18 донаси автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида, 16 таси умумий овқатланиш пунктларида, 8 таси коммунал тўловлари ва 3 таси телефон хизмати кўрсатиш тармоқларида ишлаб турибди.

Вилоят бошқармасида пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни кенгайтириш борасидаги намунали тадбирлар давом эттирилмоқда.

Биз ҳар доим банк ва банк хизмати ҳақида гапирганимизда, ишонч сўзини улар билан бақамти ишлатишга ўрганиб қолганмиз. Нега? Негаки одамлар ишончини қозонишдан-да улуғ саодат йўқ. Саодатли ишонч бора-бора аввал масъулиятга ва шу аснода улуғ муҳаббатга айланади. Одамларимизнинг "Агробанк"ка бўлган ишончини, энг аввало, банкнинг жойлардаги филиаллари, минибанки ва махсус кассаларининг жонкуяр ва фидойи ходимлари яратадилар. Бу молия муассасаларининг Жиззах вилояти бошқармаси ҳам одамлар муҳаббатига сазовор бўлган ана шундай банклардан биридир. Бошқарма фаолияти ҳақида яна кўплаб илиқ ва самимий фикрлар билдириш мумкин.

«Агробанк» ОАТБ
матбуот хизмати.

Қўшиқни ижодкор яратади. Тингловчилар эътиборига ҳавола этилгач эса, у яхшими-ёмонми, халқ мулкига айланади ва кимнингдир онгига ё ижобий, ё салбий таъсир кўрсатади. Шу маънода, бугун халқ олдига чиқиб қўшиқ куйлашнинг нафақат завқу шавқи, балки машаққату масъулияти ҳам бисёр. Зеро, том маънодаги яхши қўшиқ сўз, соз ва овоз уйғунлиги талаби асосида, яъники ижодий учлик — шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги натижаси ўлароқ дунёга келади. Бироқ бугун оммавий саҳналардан туриб айтилаётган, телерадио каналлари орқали эфирга узатилаётган айрим қўшиқларни тинглаб, ана шу ижодий ҳамкорликка талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бораётганини яққол англайсиз.

ҚЎШИҚ КЎНГИЛ МУЛКИГА АЙЛАНСИН

Яқинда таниқли хонандаларимиздан бирининг фарзанди билан айтган "дуэти"ни эфирга узатишди. Ҳеч бир маънавий юки, тарбиявий аҳамияти бўлмаган шу қўшиққа "антиқа" клип ҳам ишланибди. Халқимизда ота ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар ҳурмат, андиша каби муқаддас тушунчалар асосига қурилади. Падар ва зурриёт ўртасидаги яқинликни ҳам, масофани ҳам белгиловчи тушунчалар шу, аслида! Зеро, балоғатга етган ўзбек йигитининг отаси билан бирга бир қиз ортидан "қувганини" ҳеч ўчратганмисиз, кўрганмисиз?! Кўрмаган бўлсангиз, бундай манзарага юқорида таъкидланган клипда дуч келасиз. Бир қарашда, бу ҳолат икки ошиқнинг бир маъшуқа ортидан талпинишига ўхшайди. Бироқ бу ўринда ота ва фарзанд ҳақида гап бораяпти. Ахир санъатнинг мағзи одоб, жумладан, яратилаётган ҳар бир қўшиқдан ҳам одобни ўрганишимиз жоиз эмасми?!

Яқинда нодавлат телеканалларидан бирида намойиш этилган клип мисолида бу ҳақиқатни яна бир карра англадик. Клипда тасвирланган манзара шундай: ҳашамдор хона, тўрда эса қизнинг ётоғи. У диванга узала тушиб қўшиқ айтаяпти. Эгнидаги либоси ҳам бирмунча очиқ. Атрофида қиз-жувонлар ва алпқомат йигит парвона. Ўйлаб қоласан киши, ўзбек хотин-қизларининг ётган ҳолда қўшиқ айтиши қачондан бери бизда урф бўлди? Ахир Шарқ аёлларининг ибо-ҳаёси дунёга ибрат-ку?!

Хўш, бундай қўшиғу клипларни тинглаган, томоша қилган киши кимни айблайди? Тўғри, аввало, хонандани. Кейин эса шу "ижод маҳсули"нинг тингловчи ва томошабин эътиборига ҳавола этилишига имконият яратиб берганларни. Ваҳоланки, хонанда қўшиқчилик фаолияти билан шуғулланиши учун махсус лицензияга эга бўлиши лозим. Айни пайтда бундай лицензияларнинг тўй-маросимлар, концерт дастурлари ва гастроль сафарлар учун мўлжалланган турларигача мавжуд. Ўз навбатида, телерадио каналларида қўшиғини эфирга узатиш истагида бўлган санъаткор ҳам, аввало, марҳамат қилиб, махсус лицензиясини кўрсатиб қўйиши жоиз. Табиийки, мазмунан саёз, савияси паст, ижрочилик талабларига мос келмайдиган қўшиқлар бадиий кенгаш муҳокамасидан ўтмайди ва уларга лицензия берилмайди. "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг маълумотига кўра, 2009 йилнинг 14 январидан 9 июлига қадар махсус рухсатнома (лицензия) олиш учун ҳужжат топширган 263 нафар эстрада хонандасининг репертуарларидан ўрин олган қўшиқлар Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши қошидаги ижодий кўмаклашувчи вакиллари гуруҳи томонидан ўрганилиб, таҳлил қилинди. Натижада 50 нафардан зиёд хонанданинг репертуарларидан ўрин олган қўшиқларнинг матни бадиий жиҳатдан бўш ва мазмунан саёзлиги, ижро маҳорати талаб даражасида эмаслиги боис, кенгаш гуруҳи аъзоларининг хулосаларига кўра, уларга махсус рухсатнома берилмади. Аён бўладики, юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш учун махсус рухсатномага эга бўлмаган, савиясиз қўшиқларнинг эфирга узатилишига йўл қўйиб бераётган хусусий телерадио каналлари мутасаддиларининг масъулиятини ошириш қатъий талаб этилади.

Мулоҳаза

— Ўзбек миллий эстрада йўналишининг тамал тоши ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида қўйилган эди, — дейди бастакор Дони Илёсов. — Ўша йиллари бу йўналишда ижод қилувчи 5-6 нафар таниқли хонанданинг номини тилга олардик, холос. Бугунга келиб минглаб қўшиқчиларимиз эстрада йўналишида ижод қилишмоқда. Албатта, бу ўзбек миллий эстрадаси тараққий этаётганидан далолат. Қолаверса, санъаткорлар ўртасида ҳақиқий ижодий рақобат муҳити юзага келаётганидан қувонамиз. Бироқ 3-4 та қўшиқ яратиб, "юлдузлик касали"га чалинаётган ёхуд мазмунан саёз, савиясиз ҳамда хорижий қўшиқлар мусиқасига сўз ёзиб, элга тақдим этаётган ёш ижрочиларни кўриб, ранжимай иложимиз йўқ. Ахир санъат фақат иқтидор ёки истеъдоднигина эмас, балки чуқур билим, ўткир зеҳн ва юксак салоҳиятни ҳам талаб қилади. Шу маънода, улар шоирлар, бастакорлар билан ижодий мулоқотда бўлиб, ўзаро ҳамкорликда қўшиқлар яратишса, ўйлайманки, бу борадаги муаммо ва камчиликларга барҳам берилади. Айни кунда бу борада "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан ибратли ишларни амалга оширишга киришилганини эшитиб қувондик.

Дарҳақиқат, бугун бирлашма томонидан миллий эстрада йўналиши ривожи йўлида олиб борилаётган ишлар, олға силжиётган ташаббуслар ва бу соҳага доир ишлаб чиқилган кўплаб истиқболли режалар эътиборфа арзийди. Хусусан, хонандаларнинг репертуар танлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани ва бу борада уларга амалий кўмак кўрсатилаётгани фикримиз тасдиғидир. Шунингдек, хонанда ва шоирлар ўртасидаги ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, бадиий жиҳатдан юксак асарларни танлаб, тарғиб этиш мақсадида бирлашма қошида жамоатчилик кенгаши ташкил этилган. Шу кунга қадар мазкур кенгаш аъзолари, хонандалар, шоир ва бастакорлар иштирокида ўтказилган бир қанча тадбирлар ўз самарасини бераяпти.

— Бугун мамлакатимизда санъат аҳлининг ижодий фаолият билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси директори Азамат Ҳайдаров. — Бундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, бадиий жиҳатдан етук қўшиқлар яратаётган хонандаларимиз давлатимиз рағбати, халқимиз раҳматини олаяпти. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 7 апрелдаги қарори асосида ўтказилаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови ёш эстрада хонандаларининг ижодий парвози учун янада кенгроқ йўл очди. Ушбу кўрик-танловни ўтказиш орқали, наинки Ватанни тараннум этувчи янги ва юксак савиядаги қўшиқлар яратиш ҳамда уларни эл-юртимизнинг маънавий мулкига айлантириш, балки эстрада қўшиқчилиги соҳасига қадам қўйган истеъдодли ёшларимизни аниқлаб, уларни муносиб рағбатлантиришга эришилаяпти.

Ишончимиз комилки, мазкур саъй-ҳаракатлар самараси мамлакатимизда эстрада қўшиқчилигини янада тараққий эттириш йўлидаги амалий саъй-ҳаракатларимизни янги поғонага кўтариш учун асос бўлади.

Фаррух БЎТАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ташаббус — 2009» республика кўрик-танлови ғолиблари

ЗАР ҚАДРИНИ БИЛГАН ЗАРГАР

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, уларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш ҳамда рағбатлантиришда Президентимиз соврини учун ташкил этилаётган "Ташаббус" кўрик-танлови ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Зеро, ушбу тадбир доирасида ҳар йили юзлаб тадбиркор, фермеру ҳунармандлар кашф этилаётир.

Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ортишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

...Бухоролик заргар Алишер Ҳайдаров учун жорий йил жуда омадли келди. У "Ташаббус — 2009" кўрик-танловининг республика босқичида "Энг яхши ҳунарманд" йўналиши бўйича ғолиб деб топилиб, Президент совғаси — "Матиз" автомобили билан тақдирланди.

— Президентимизга раҳмат, — дейди у. — Биз, ҳунармандлар учун эмин-эркин ишлашимиз, изланишимиз, дунё миқёсидаги кўргазмаларда ижод намуналаримизни намойиш этишимиз учун барча имкониятлар яратиб берилгани айни муддао бўлмоқда.

Алишер "изланиш" сўзини алоҳида таъкидлади. Бу бежиз эмас. Шўро тузуми даврида бошқа қадимий ҳунарлар қаторида заргарликка ҳам ёт кўз билан қаралди. Чеклов, тақиқлар туфайли халқ амалий санъати деган қадимий чашманинг кўзи беркилди. Ҳунармандчилик унутилаёзди.

Бухоро давлат университетининг тасвирий санъат ва мусиқа факультетида таҳсил олган, рассомлик, нақкошлик, ганчкорликдан тузуккина хабари бўлган Алишернинг назари бир гал токчада занг босиб ётган заргарлик асбобларига тушди. Бобоси, уста Абдуносирдан мерос қолган бу асбобларни кўриб, юраги "жиз" этди. Изланишга киришди. Музейларга бориб, заргарлик буюмларидан нусха кўчирди, қадимий китобларни кўздан кечирди. Бухоро заргарлик мактабининг XVIII-XIX асрга оид нодир намуналарини ўрганди. Иш услуби, техникасини қунт билан ўзлаштирди. Шу заргарлик мактабига хос соф тилладан тайёрланган, олмос, ёқут, зумрад, лаъл, фируза тошлар билан безатилган тақинчоқлар ясаш услубларини қайта тиклади.

Албатта, изланишлар бесамар кетмади. Унинг қўлида жило топган ранг-баранг тақинчоқлар мутахассислар эътиборига тушди. Алишер Ҳайдаров 2006 ва 2007 йилларда АҚШнинг Санта-Фе шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон ҳунармандлар кўргазмасида иштирок этди. Парижда ўтказилган Ўзбекистон кунларида ўз ижод намуналарини намойиш қилди. Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида ташкил этилган нуфузли халқаро кўргазмада қатнашди. ЮНЕСКОнинг сифат сертификатига эга бўлди.

— Хорижда миллий ҳунармандчилигимизга қизиқиш бениҳоя катта, — дейди заргар. — Мен буни ота-боболаримиз ақл-заковати ҳамда ҳукуматимизнинг бугунги оқилона сиёсати маҳсули, деб биламан. Осориатиқаларимизнинг ҳар бирида маъно-мазмун гўзаллик билан уйғунлашиб кетган. Мана, чақалоқларнинг оддий сўрғичини олиб кўринг. Қадимда у соф тилладан тайёрланган, фойдаланиш учун жуда қулай. Биламизки, тилла микробларни йўқотади...

Алишер Ҳайдаров ана шундай қадимий заргарлик буюмларининг уч юзга яқинини қайта тиклаб, уларга иккинчи умр бахш этди. Ҳозирги кунда ўғиллари Шаҳзод, Миршод, Абдуносирнинг ҳам заргарликка меҳрлари бўлакча. Шогирдлари бор.

— Дарсдан сўнг Алишер аканинг қўлида заргарлик сирларини ўрганаяпман, — дейди Бухоро шаҳридаги 4-академик лицей ўқувчиси Ойбек Қодиров. — "Келажак овози" кўрик-танловида маҳоратимни синаб кўриш ниятидаман. Келгусида юртимиз доврўғини дунёга таратиш орзуим бор.

Ҳунар ортидан бахтини топган Алишер Ҳайдаровга Ойбек каби шогирдларининг ютуқларидан ғурурланиб юриш ҳам насиб этсин, деймиз.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

СОҒЛОМ АЁЛ — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва раҳнамолиги билан жамият ҳаётида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга муҳим вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

Бу борадаги чоратадбирларнинг самараси ўлароқ, бугун аёлларимиз ҳам барча соҳаларда иқтидор ҳамда имкониятларини ишга солиб, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Маълумки, аҳоли, хусусан, хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда спортнинг ўрни беқиёс. Чунки ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялашда, аввало, аёлларнинг соғлиғи муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шаҳар, туман марказлари, олис қишлоқларда барпо этилган муҳташам спорт кошоналарида турли тўгараклар ташкил этилмоқда, мусобақалар ўтказилиб, уларда хотин-қизларнинг иштироки таъминланмоқда. Тўғри, бир вақтлар аёлларимиз машғулотларга қатнашишни хаёлларига ҳам келтира олишмасди, гўё бу иш улар учун эмасдек, ўзларини ноқулай сезишарди. Аммо истиқлол туфайли ушбу масаланинг мазмун-моҳияти тушунтириб берилгач, хотин-қизларимиз ўз инон-ихтиёрлари ила спортга ошно тутинишмоқда.

Сурхондарё вилоятида ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилаётир. Азалдан «Барчиной авлодларимиз» деб фахрланиб келган воҳалик аёллар учун яратилаётган имкониятлар ҳам таҳсинга лойиқ. Бугун вилоятнинг қайси бир гўшасига борманг, спорт секцияларида қўплаб хотин-қизларни учратасиз. Вилоятда спортнинг 36 тури билан шуғулланиш имконияти мавжуд, тўрт мингдан ортиқ спорт мажмуалари спортсевар аёлларга хизмат қилмоқда. Мактаб, коллеж, маҳалла гузарларида яна янгитдан спорт клублари ташкил этилмоқда. Эътиборлиси, бундай эзгу ташаббус ва амаллар чекка-чекка қишлоқларни ҳам тобора кенгроқ қамраб олаётир.

Бу ишларнинг натижаси ўлароқ, айни пайтга келиб Сурхондарёда спорт билан шуғулланаётган хотин-қизлар сони 32 мингга етди. Шу пайтгача, асосан, спортнинг енгил атлетика, кураш, теннис, баскетбол, волейбол каби турларига қизиқувчилар сони кўпчиликни ташкил этган бўлса, эндиликда бадиий гимнастика ва синхрон сузиш билан шуғулланувчилар ҳам сезиларли даражада кўпайди. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2004 йилда вилоятда бадиий гимнастикага қатнашаётганлар 34 нафарни ташкил этганди. Ҳозирда эса уларнинг сони мингдан ошди.

Албатта, бундай эътибор ва имкониятлар туфайли вилоятлик спортчи қизлар нафақат юртимиз, балки халқаро миқёсдаги спорт беллашувларида ҳам ғолибликни қўлга киритишмоқда. Жумладан, биргина ўтган йилда сурхондарёлик курашчи қизлар халқаро турнирларда 3 та олтин, 2 та кумуш ва 9 та бронза медалини қўлга киритиб, юртимиз спорти доврўғини дунёга танитишга муносиб ҳисса қўшишди.

Бу каби мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Лекин юқорида айтганимиздек, муҳими бу эмас. Асосийси, эртамиз эгаларини дунёга келтирадиган аёлларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва жисмонан баркамол бўлишларига эришишдир. Зеро, соғлом она — соғлом келажак, демакдир.

Гулбаҳор ТАНГИРОВА.

Истиқлол барча соҳалар қаторида спортни ҳам ривожлантириш, мустақил юрт фарзандларининг бу борадаги истеъдод ва салоҳиятини намойиш этиш имкониятини яратиб берди. Президентимиз раҳнамолигида спортни оммавийлаштиришга қаратилаётган юксак эътибор туфайли юртимиз довруғини дунёга таратадиган номдор спортчилар етишиб чиқмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОНГА ҒАЛАБА БИЛАН ҚАЙТАМИЗ»

Улар турли халқаро мусобақалар, жаҳон ва қитъа чемпионатлари ҳамда Олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашиб, Ўзбекистон шуҳратига шуҳрат қўшмоқдалар.

Яна бир неча кундан сўнг Сингапурда ўсмирлар ўртасида I Осиё ўйинлари бошланади. Мутахассислар ушбу мусобақада ҳам ўзбекистонлик спортчиларнинг имкониятини юқори баҳолашмоқда.

23 июнь куни Осиё қитъаси ёшларининг энг нуфузли мусобақасида иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегацияси мамлакатимиз бош майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

— Бўлажак баҳслар олдидан ўқув-йиғин машғулотларини кўнгилдагидек ўтказишимиз учун барча шароитлар яратиб берилди, — дейди сузиш бўйича мамлакат терма жамоаси бош мураббийи, халқаро турнирлар ғолиби Саида Искандарова. — Шогирдларим кўплаб йиғинларда маҳоратларини оширишди. Бугун мамлакатимизнинг бош майдонида туриб, Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига ўз ғалабалари билан муносиб совға ҳозирлашга сўз беришди. Оталарча ғамхўрлик мамлакат чемпионатида 100 метрга чалқанча усулда сузишда 1.04.77 натижа билан Ўзбекистон рекордини янгилаган Юлдуз Кўчқорова, Мафтунабону Тўхтасинова, Раъно Омонова, Дмитрий Швецовнинг яхши натижаларга эришишига умид қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Олимпия ва спорт захиралари бошқармаси масъул ходими Назир Худойқуловнинг таъкидлашича, 29 июнь — 7 июль кунлари Сингапурда ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтадиган I Осиё ўйинларида 31 нафар вакилимиз спортнинг сузиш, сувга сакраш, стол тенниси, ўқ отиш, стритбол, енгил атлетика, боулинг каби етти тури бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Улар уч босқичли саралаш тизими ёрдамида танлаб олинган. Жумладан, Гулистонда ўтказилган кўрсатаётган Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

Сузиш бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси сафига энг иқтидорли етти нафар спортчи жалб этилган. Айниқса, яқинда пойтахтимизда ўтказилган "Умид ниҳоллари — 2009" республика спорт ўйинларида ўзини кўрсатган ва мамлакат миқёсидаги биринчиликларда юқори натижалари қайд этган истеъдодли йигит-қизлар бор. Булардан енгил атлетика, сузиш, ўқ отиш, стол тенниси бўйича вакилларимизнинг имкониятлари юқори бўлиши кутилмоқда.

— Осиё ўйинларида ўқ отиш бўйича мусобақаларда қатнашаман, — дейди Равшан Кашапов. — Спортнинг ушбу турида Ўзбекистон терма жамоаси қитъа чемпионатларида доимо муваффақиятли иштирок этиб келган. Биз, ёшлар ҳам мазкур анъанани давом эттирган ҳолда, Ўзбекистонга ёруғ юз билан қайтишга ҳаракат қиламиз.

Светлана Прошкина яқинда Гулистонда бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" мусобақасида баландликка сакраш бўйича олтин медални қўлга киритган эди.

— "Умид ниҳоллари"да қатнашган рақибларим ҳам кучли эди,— дейди Светлана. — Албатта, Гулистонда орттирган тажрибам Осиё ўйинларида ҳам қўл келишига ишонаман.

Ўзбекистон спорт делегацияси бугун Сингапурга жўнаб кетади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ТУРДАН СЎНГ...

Пойтахтимизда шахмат бўйича жаҳон чемпионатига йўлланма берувчи минтақавий саралаш мусобақаси давом этмоқда.

Кеча эркаклар ўртасида ўтказилган тўққизинчи тур учрашувларида ҳамюртимиз Антон Филиппов туркманистонлик Бобогелди Аннабердиевни мағлубиятга учратди. Саралашда қатнашаётган қолган вакилларимиз Марат Жумаев — Сайдали Йўлдошев, Андрей Квон — Жўрабек Ҳамроқулов ўзаро дуранг ўйнашди.

Бошқа учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Ринат Жумабоев (Қозоғистон) — Семетей Тологонтегин (Қирғизистон) 1:0, Ануар Исмагамбетов — Азамат Утегалиев (Қозоғистон) 0,5:0,5, Соҳиб Жўраев (Тожикистон) — Рауан Манкиев (Қозоғистон) 1:0, Фаррух Омонатов (Тожикистон) — Евгений Пак (Қозоғистон) 1:0.

Тўққизинчи турдан сўнг тожикистонлик Фаррух Омонатов 8 очко жамғариб, пешқадам бўлиб турибди. Иккинчи ўринда бораётган ҳамюртимиз Антон Филиппов ҳисобида 7 очко бор. Қозоғистонлик Ринат Жумабоев 6 очко билан учинчи ўринда бормоқда.

О. ЗИЁЕВ.

Оромгоҳларга спорт жиҳозлари

Ёзги таътил кунлари Андижон вилоятининг энг сўлим гўшаларидаги 19 та болалар оромгоҳида ўн минг нафарга яқин ёшларнинг дам олиши режалаштирилган.

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали томонидан мазкур оромгоҳларга 17 миллион сўмликдан зиёд спорт жиҳозлари совға қилинди.

Эндиликда бу ерда дам олаётган ёшлар спортнинг волейбол, футбол, енгил атлетика, стол тенниси каби ўнлаб турлари билан шуғулланиш ва оромгоҳлараро мусобақалар ўтказиш имкониятига эга бўлишди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



«Сўзанажон, сўзана»

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида "Сўзанажон, сўзана" деб номланган кўргазма иш бошлади.

Кўргазма

Латвиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу кўргазмага таниқли санъатшунос Владислав Евневич томонидан узоқ йиллар мобайнида тўпланган ўзбек каштачилигининг бой ва ранг-баранг коллекцияси қўйилган.

Кўргазмадаги 150 экспонат ичида нафақат ноёблари, балки XX аср ўрталарига тааллуқли буюмлар — Тошкентнинг машҳур палаклари, рамзий нақшлар билан тўқилган гобеленлар, гулкўрпа, жойпўш, зардеворлар ҳам мавжуд. Бувиларимиз сандиқларида сақланиб келган ушбу амалий санъат дурдоналари сўзаналар улуғворлигини намоён этиши, шубҳасиз.

Ф. ХУШМАТОВА.

ОБ-ҲАВО (24 июнь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво қисман ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво қисман ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Кечаси 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Баъзи ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиш эҳтимоли бор. Ҳарорат тунда 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Тунда 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво қисман ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиш эҳтимоли бор. Ҳарорат кечаси 18-20, кундузи 33-35 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Тошкент молия институти жамоаси Информацион технологиялар кафедрасининг доценти, иқтисод фанлари номзоди Маҳмуд Икромовга онаси **САЛИМА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси Фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси Насиба Юсуповага падари бузруквори **ШАРИФ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзР ФА Тарих институти жамоаси катта илмий ходим Дилором Ғуломовага отаси **Абдуманнон ЭГАМБЕРДИЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 45734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6 8 9